O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 2-mart, chorshanba * № 9 (968) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

### ЯГОНА МАҚСАД САРИ



Бундан уч йил аввал дилбандини касб-ҳунар коллежига олиб келган ота-она унинг ўқишини битириш арафасида юраги ҳапқира бошлайди: "Фарзандим ўзи танлаган касб бўйича ишга жойлашармикан?", "Бизнесмен бўламан дейди, бунда молиявий қийинчиликларга дуч келмайдими?"

➪ 2-бет

### ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қисқа вақт ўтиб – 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Бу билан мамлакатимиз халқаро муносабатларда сиёсатининг очиқлигини, холислигини, барча давлатлар билан ҳамкорлик тарафдори эканини эълон қилди.

➪ 5-бет

### СЕЛФИ КАСАЛЛИКМИ ЁКИ МАНМАНЛИК?



Олдинда кетаётган машина ҳайдовчиси рулни худди маст одамдек бошқара бошлаганида юрагимга ғулғула тушди. Хавфни сезиб тезликни пасайтирдим. Секинлик билан йўлнинг четига чиқа бошлаган эдимки, бояги автоулов тезлик билан йўл четидаги тўсиққа урилди.

➪ 6-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар ўз конституциявий ваколатлари доирасида Ҳисоб палатасининг 2015 йилги ҳисоботини кўриб чиқдилар.

**Тошкент шаҳрида Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Болгария ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари вакиллари, соҳа мутахассислари, шунингдек, олимлар қатнашди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги иштирокига бағишланган конференция ўтказилди.**

Фарғонада "Фарғона водийсининг мева-сабзавотчилик тармоғи: экспорт салоҳияти" мавзуида халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди.



"HURRIYAT" газетаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

» 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни



## Миллий қадриятларимиз барҳаёт

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда улардан кенг фойдаланиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланишга оид Давлат дастури бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Тошкент маданият коллежида ташкил этилган «Гулшод» фольклор-этнографик ансамбли ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулшод Отабоева ўқувчиларга лапар, алла, аския ва рақс санъати сир-асрорларини ўргатмоқда.

– Қадимдан юртимизда тўй-томошалар, байрамлар ўлан, лапар, айтишувларисиз ўтмаган, – дейди Г. Отабоева. – Айниқса, Наврўз сайлида халқ оғзаки ижоди ҳаммага завқ-шавқ улашган. Фольклор ансамблимизда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятларининг ўзига хос қўшиқ ва рақсларини ёшларга ўргатиб келмоқдамиз. Ҳозир жамоамиз билан Наврўз байрамига тайёргарлик кўрмоқдамиз.

«Гулшод» фольклор-этнографик ансамбли мамлакатимиз ва халқаро миқёсда бўладиган турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, миллий қадриятларимизни тараннум этаётир. Ўтган йили "Барҳаёт анъаналар" номли республика кўрик-танловида коллежнинг кўплаб ўқувчилари қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.

Ўзининг мазмундорлиги, тарбиявий аҳамияти ва умрбоқийлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб турувчи фольклор халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий-эстетик олами, ички кечинмалари юксак бадиий ифода эттирилган азалий қадриятдир. Миллий қадриятларимизнинг барҳаётлигини намоён этувчи Наврўз умумхалқ байрамининг республика миқёсида кенг нишонланиши натижасида фольклор-этнографик жамоаларининг фаолияти жонланиб бормоқда.

Халқимизнинг ранг-баранг ва бой маданий мероси ёшлар қалбида эзгу ният ва улуғ мақсадларга интилиш, она Ватанга муҳаббат ва эътиқод туйғуларини уйғотмоқда.

**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА, ЎзА мухбири**

*Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари*

## ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАРГА ДОИМИЙ КЎМАК

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг 2015 йилдаги фаолияти якунлари ва 2016 йилги режаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг барча бўғинлари изчил қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

4

» Эҳтиром

## Кўкламдан бир мужда келди...

"Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни мен фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди".

**Ислом КАРИМОВ**



8

*Ҳурматли муштарийлар,*

**2016 йилнинг келгуси ойлари учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.**

**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!**



» 2016 йил – Соғлом она ва бола йили

## ГЎДАГИ СОҒЛОМ онанинг бахти тўлиқдир

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ оналар ва болалар саломатлигини асраш, соғлом бола дунёга келиши ва камолга етишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган эди. Бугун тиббиёт тизимида амалга оширилган изчил ислоҳотлар туфайли кўп тармоқли поликлиникалар, шифохоналар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бу аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, хавфли касалликларни даволашда муҳим омил бўлаётир.



Ё.Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

Айни пайтда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида туғма хасталиги бор беморлар, ногирон фарзандли оилаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу эса касалманд болалар сонини сезиларли даражада камайтираётир. Клиника таркибидаги 12 та кафедранинг малакали шифокорлари томонидан энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақият билан ўтказилмоқда. Айниқса, кардиожарроҳлик бўлимида туғма юрак нуқсонларининг қийин турларини бартараф этишда пластик жарроҳлик йўли билан беморларга иккинчи ҳаёт ҳадя этилаётир.

— Шифо масканимизда кунига юзлаб беморларга тиббий ёрдам кўрсатилади, — дейди жарроҳлик ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Тўлқин Ҳошимов. — Даволаш жараёнида тиббий ускуналардан тўғри фойдаланиш, тўғри ташхис қўйиш беморлар ҳаёти учун муҳим. Даволашда қўлланиладиган ускуналар, жумладан, Германия ва Украинада ишлаб чиқарилган сунъий нафас олиш ускуналари юрак-қон тизимини ҳаракатга келтиради. Вазни уч килограммлик бўлган гўдакнинг юрак-нафас тизимини маълум муддатга тўхтатиб, дарддан буткул фориғ қилиш учун шифокорда ўзига ишонч бўлиши керак. Операцияга киришдан олдин бемор кардиолог билан бир қаторда, педиатр, невропатолог, лор, эндокринолог ва бошқа мутахассислар кўригидан ўтказилади. Умумий текширувлар таҳлили асосида оператив йўл билан касалликни даволашга киришилади. Чақалоқнинг митти юрагидаги 1 ёки 2 сантиметрлик бўлган тешикчага ямоқ солиш, юрак ритмини мувозанатга келтириш учун соатлаб операция залида қолишга тўғри келади. Катта меҳнат эвазига ҳаёти сақлаб қолинган гўдакнинг соғлиғи тикланиб, бутун умр хотиржам яшайди.

3

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИ: сифат ва миқдор ўзгаришлари

**Конференция**

Яқинда Тошкент шаҳрида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари" мавзуидаги йиллик конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, институтнинг таъсисчилари кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, етакчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, миллий ва хорижий ОАВ вакиллари иштирок этди.

Конференцияда институт директори Ғолиб Абдукаримов ўтган йил давомида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолатининг мониторинг натижалари юзасидан маъруза қилди.

Институт ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ўтган йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан 2010 йил ноябрда Парламент палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг амалий ижросига қаратилди.

Фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жойлардаги ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилишдаги, шу билан бирга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлашда давлат органларининг ахборот хизматлари ва ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, йил мобайнида марказ ва ҳудудларда фуқаролик жамияти ривожланишининг турли жиҳатларига бағишланган 2060 дан зиёд тадбирлар ўтказилиб, уларнинг 382 таси туман ва чекка аҳоли пунктларида ташкил этилган.

Миллий ва хорижий шериклар – БМТ ТД, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, Ф.Эберт номидаги фонд ва бошқалар ҳамкорлигида фуқаролик жамияти шаклланиши соҳасида, хусусан, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари бўйича ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш борасида ишлар олиб борилди.

**2015 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларидаги ННТнинг сони сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин. Агар 2010 йилда грант танловларида 275 та ННТ иштирок этиб, улардан 82 таси ғолиб деб топилган бўлса, 2015 йилда танловларда қатнашган 528 та ННТдан 177 таси грант маблағларини қўлга киритди.**

Тадбир давомида мақбул меъёрий-ҳуқуқий шароитларнинг изчил шакллантирилиши натижасида йилдан-йилга тегишли инфратузилма — жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этувчи, фуқароларнинг турли ижтимоий манфаатларини амалга оширишга жалб қилишга кўмаклашувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ, ОАВ, жамоат ташкилотлари ва фондлари, касаба уюшмалари ва сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари кучаётганлиги ва мустаҳкамланаётганлиги таъкидланди.

– Хусусан, 2015 йил январь ойида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг кучга кириши давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий ва институционал асосини такомиллаштириш борасидаги ишларнинг фаоллашгани муҳим аҳамият касб этди, — деди институт директори Ғ.Абдукаримов. — Шунингдек, мазкур қонуннинг амалга татбиқ қилиниши доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси таркиби янгиланди, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат грантлари, ижтимоий буюртма ва субсидиялар ажратишни тартибга солувчи низом янги таҳрирда қабул қилинди.

Маърузачилар томонидан ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши юқори баҳоланди.

2015 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларидаги ННТнинг сони сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин. Агар 2010 йилда грант танловларида 275 та ННТ иштирок этиб, улардан 82 таси ғолиб деб топилган бўлса, 2015 йилда танловларда қатнашган 528 та ННТдан 177 таси грант маблағларини қўлга киритди.

Маърузачилар мамлакатимизда миллий масс-медиа томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш учун шароит яратишга йўналтирилган ислоҳотлар алоҳида таъкидланди.

2014 йилда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларнинг қонуний тартибга солиниб, мустаҳкамланганлиги, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституцион ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишида муҳим қадам бўлди.

Юқоридаги қонуннинг самарали ишлаш механизмини йўлга қўйиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши тузилди. Бугунги кунда Жамоатчилик кенгаши томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг "очиқлик индекси" ишлаб чиқилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққанлар маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолияти холис танқид остига олинган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ёритиш йўли билан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВ роли ошиб бораётганлигига алоҳида урғу беришди.

Шунингдек, тадбирда 2015 йилда кучга кирган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун меъёрларининг амалга оширилиши жамоатчилик назоратининг яна бир шакли бўлган фуқаролар мурожаати институтининг ривожига турткм бўлди. Сиёсий партиялар фаолиятининг таҳлили уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожидаги ролининг ортиб бораётгани хусусида ҳам фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

**Маҳаллийлаштириш дастури — амалда**

Мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити саноатда янги уфқларни очмоқда. Негаки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган имтиёзлар йирик ишлаб чиқариш корхоналари яратилишига мустаҳкам замин ҳозирлаяпти.

# Модернизация ва юксак тараққиёт



Юртимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги кўплаб истиқболли лойиҳаларнинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши четдан келтирилаётган хомашё ҳамда бутловчи буюмларни ўзимизда тайёрлаш имкониятини тобора кенгайтирмоқда. Бу эса ўз навбатида валютани тежаш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

"Марғилон механика заводи" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай ислоҳотлар натижасида самарали фаолият юритиб келмоқда. Эътиборлиси шундаки, жамият вилоятда "Ўзбекенгилсаноат" таркибига кирувчи корхоналарга дастгоҳлар учун эҳтиёт қисм ва бутловчи материаллар, металл конструкциялар ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Айни вақтда корхонада инженер-техник ходимларнинг саъй-ҳаракати билан 22 турдаги 1200 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда. У йил сайин импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кенгайтираётир.

Корхонада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги лойиҳаларни рўёбга чиқариш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Дастурдан кўзда тутилган имтиёзлар эса янги муваффақиятлар учун асос бўлаётир. Бундай енгилликлар туфайли жамият 2013–2015 йилларда саноат салоҳиятини оширишни ривожлантириш Фарғона вилоят Дастурига ҳам киритилган эди. Бу орқали корхонани модернизация қилиш, замонавий дастгоҳларни ишга тушириш, корхонада қўшимча иш ўринларини яратиш имкони туғилди.

– Илгари бундай маҳсулотлар фақат хориждан олиб келинарди, – дейди жамият раҳбари Исмоилжон Камолов. – Эндиликда, модернизация туфайли уларнинг ўзимизда ўзлаштирилаётгани қувонарлидир. 2013 йилда Хитой билан тузилган шартномага мувофиқ ип йигирув корхоналари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни режалаштирган эдик. Шу мақсадда 12 турдаги дастгоҳларнинг ишга туширилишида ҳам дастурда белгилаб берилган имкониятлардан унумли фойдаландик. "Асакабанк"нинг Фарғона вилоят бўлими томонидан тақдим этилган 600 миллион сўмлик кредит маблағи бизга катта ёрдам бўлди. Натижада ишимиз сифати юксалишига ва иш ўринларининг кўпайишига ҳам эришдик.

Албатта, ишлаб чиқаришда сифатнинг юқорилиги муҳим. Чунки айнан сифат – маҳсулотнинг кўзгуси. Айниқса, импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда бунинг аҳамияти беқиёс. Ушбу омил нафақат мавжуд ускуна ва дастгоҳлар илғорлиги, балки мутахассислар малака ва тажрибасига ҳам чамбарчас боғлиқ. Жамият мутахассислари мазкур ҳолатларни инобатга олиб, жамоа сафини етук кадрлар билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқда. Жамиятда меҳнат қилаётган ишчилар ҳозирда 90 нафар бўлса, уларнинг 20 дан зиёди касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Айниқса, политехника, машинасозлик, саноат йўналишидаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ўғил-қизларни соҳага жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда "Марғилон механика заводи" масъулияти чекланган жамияти ҳам ўз имкониятларини янада кенгайтириш пайида. Инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириб, янги йўналишни ишга туширмоқчи. Режа тўлиқ бажарилса, бу ерда қўшимча иш ўринлари яратилиб, ўнлаб ёшлар иш билан таъминланади.

**Мадаминжон СОЛИЖОНОВ**

**Битирувчилар бандлиги**

# Ягона мақсад сари

Бундан уч йил аввал дилбандини касб-ҳунар коллежига олиб келган ота-она унинг ўқишини битириш арафасида юраги ҳапқира бошлайди: "Фарзандим ўзи танлаган касб бўйича ишга жойлашармикан?", "Бизнесмен бўламан дейди, бунда молиявий қийинчиликларга дуч келмайдими?"

Ота-оналар эндиликда бу борада кўнгилларини тўқ қилишлари мумкин. Зеро, ўтган йили 482,6 мингдан зиёд битирувчининг 435,7 минг нафари иш билан таъминлангани, 14,2 минг нафари олий таълим муассасаларига ўқишга киргани қувончли кўрсаткич эмасми? Бу каби хайрли ишлар, албатта, муттасил давом эттирилади.

Мамлакатимизда битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида йўлга қўйилган уч томонлама шартнома тузиш анъанаси бу масалада ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ушбу шартнома битирувчининг ота-онаси, таълим муассасаси ва амалиёт ўташи кўзда тутилган корхона томонидан тузилади. Ўтган йили ана шу асосда 267,9 минг нафар битирувчи шартнома тузган корхоналарига ишга жойлашди.

Туманларда ташкил этилган меҳнат ярмаркаларининг ҳам ўрни муҳим. Унда турли корхона ва ташкилотларнинг бўш иш ўринлари рўйхати қатнашувчига танлаш имкониятини беради. 2015 йил туманларда ташкил этилган 837 та ана шундай меҳнат ярмаркаларида 21 мингдан ортиқ коллеж битирувчиси иш жойига эга бўлдилар.

Жорий ўқув йилида Республика миқёсида касб-ҳунар коллежларини 477,7 минг нафар ёшлар битиради. Уларнинг бандлигини таъминлашда Ўрта махсус касб-ҳунар таълим марказида қандай янги чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, деган ҳақли савол туғилади. Марказнинг касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Абдухалил Раҳмонов авваламбор, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган битирувчиларга зарур шароитлар яратиб берилаётганлигини таъкидлади. Шу мақсадда "Тадбиркорлик ва ишга жойлашиш технологияси" янги ўқув курси ишлаб чиқилди ва коллежларнинг таълим жараёнига татбиқ этилди. Бу курсда битирувчилар ишга жойлашиш технологияси, ҳужжатларни расмийлаштириш тартибларини пухта ўзлаштиради. Шунингдек, бу йил битирувчилар корхоналар билан тўрт томонлама шартнома тузади. Туман ҳокимликлари, таълим муассасаси, корхона ва битирувчининг ота-онаси томонидан тузиладиган ушбу ҳужжат ёшларнинг ўз иш жойларига эга бўлиш имкониятини янада оширади. Унинг аввалгиларидан афзаллиги шундаки, битирувчи ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхонага, албатта ишга жойлашади. Бунда турли сансалорлик, буйруқбозлик ҳолатлари юзага келмаслигида ҳокимлик вакиллари масъул бўлади.

Тадбиркорлик ёшларни энг кўп ўзига жалб этаётган соҳадир. Бунинг учун уларга кучли иқтисодий билим ва қилни қирқ ёрадиган заковат керак бўлади, албатта. Улар коллежда таҳсил олган мутахассисликларидан ташқари қўшимча, чуқурлаштирилган иқтисодий-ҳуқуқий билим эгаллашлари муҳим. Бу борада Марказий банк томонидан имтиёзли кредитлар олиб тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган битирувчиларга икки турдаги ўқув амалий курслари жорий этилгани айни муддаодир. Биринчи турдаги ўқув курсида битирувчилар ишга қабул қилиш жараёнида расмийлаштириладиган ҳужжатлар, меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси ва манфаатларини ўрганади. Иккинчи турдаги ўқув курсида эса янги тадбиркор сифатида ўз ишини бошлаётганлар учун асосий тушунчалар, бизнес-режа тайёрлаш, кредит олиш тартиби ва шу каби зарур тушунчалар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги масъул ходими Эркин Авезов бу йилги режалар хусусида шундай дейди:

— Бу йил ҳам ўрта махсус таълим маркази ва Марказий банк билан ҳамкорликни давом эттирамиз. 386 та касб-ҳунар коллежида битирувчиларнинг ўз бизнесларини очишларига кўмаклашиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича "Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ва тадбиркорликни бошлаш ягона дарчаси" ташкил этилади.

Бунга барча мутасадди ташкилот ва корхоналардан масъуллар бириктирилиб, ташкилотлар билан коллежнинг ўзида шартномалар тузилади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлайдиган коллеж битирувчиларига янада қулайлик яратиш мақсадида, архитектура талабларига мос, енгил конструкцияли хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилишлари учун ҳар бир туманда камида 50 тадан "бир дарча" тамойили асосида 1-3 сотихдан ер участкалари ажратилади.

Шу ўринда айрим ҳолларда битирувчилар орасидаги қизларнинг бандлигини таъминлашда муаммоли вазиятлар юзага келаётганини айтиб ўтиш жоиз. Сабаби, баъзи ота-оналар қизларнинг касб-ҳунар



ўрганиши, ҳаётда ўз ўрнини топишидек муҳим вазифаларга лоқайд қарайди. Қизларни коллежни тугатар-тугатмас турмушга бериш пайига тушиб қоладилар. Оқибатда эса оилавий нохуш ҳолатлар ҳам пайдо бўлаётгани сир эмас. Шу ўринда коллеж ўқитувчисининг ҳикоясини келтиришни жоиз деб билдик:

"Давомати паст ўқувчимнинг уйига бордим, онаси шошиб эшик очди-ю, остонада мени кўриб, қоши чимирилиб хушламайгина кутиб олди. Оғиз очгани қўймай гапира кетди:

— Такрорлайвериб чарчадим сизга, қизимни коллежда ўқитмайман, узатяпман. Касб ўрганмаса ўрганмай қўя қолсин. Қайнонаси топармон аёл, ўзи боқиб олади. Узр, вақтим йўқ... — дея хайр-маъзурни насия қилиб уйга кириб кетди. Тезроқ дабдабали тўй қилиш орзусини қизининг ҳаётидан ҳам устун қўйган бу аёлга гап уқтириб бўлмаслигини билиб, афсус билан ортимга қайтдим.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, ўқувчи қизнинг онасини бекатда учратдим. Унинг шашти паст эди. Мендан дардини яширмади: "Ўшанда шошмасам бўлар экан. Қизимнинг қўлида ҳунари йўқлиги камдек, куёвим ҳам тайинли ишнинг бошини тутмаган экан. Аллақаерларда вақтинча ишлаб юраркан. Қудамнинг иши бироз орқага кетди. Шунда ёшларнинг касб-ҳунар ўрганмагани, рўзғорни эплолмаслиги билиниб қолди. Орада майда гаплар кўпайди. Ҳозир қизимни уйга олиб келдим. Жон ўқитувчиси, коллеждаги ўқишини қайта тиклашнинг иложи борми..?"

Шундай салбий воқеаларнинг олдини олиш, касб-ҳунар коллежини битираётган қизлар бандлигини таъминлаш масаласида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг тумандаги вакиллари томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Қўмита мутахассиси Дилдора Мамадаминованинг айтишича, ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, 12566 нафар қиз тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирди. Улардан 6148 нафари 12566 та тадбиркорлик йўналишида иш бошлади, Республика тижорат банклари томонидан уларга 51 15,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, Тошкент шаҳар Сергели тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Раҳимжонова кўмаги билан Тошкент туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежи битирувчиси Рушана Раҳматовага бир гектар ер ажратиб берилди. Рушана бу ерда озуқабоп экинлар экиб, учта қорамол боқиш билан шуғулланиб "Рушана идеал бизнес" оилавий корхонасига асос солди.

— Ҳозир қорамолларнинг сони тўққиз бошга етди. Ниятим — элимиз дастурхонига сифатли гўшт ва сут етказиб бериш, — дейди ёш тадбиркор Рушана Раҳматова.

Бундай тадбиркор қизларнинг сафи кенгаймоқда. Бу борада Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ишлари диққатга сазовор. Қўмита тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган қизларни қўллаб-қувватлаш борасида талай ишлар олиб бормоқда. Масалан, Гурлан иқтисод ва бизнес касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мактуба Ҳайитбоева Халқ банкидан 40 миллион сўм кредит олиб якка тартибдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонага асос солди. У ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан вилоят ва республика танловларида қатнашиб, бир қанча совринлар олишга ҳам улгурди. Шу вилоятнинг Урганч шаҳар тадбиркорлик ва бизнес касб-ҳунар коллежи битирувчиси Зилола Рустамова ҳам ўз ташаббуси билан 11 миллион 800 минг сўм кредит олиб "Моҳи зилол сервиз" соғломлаштириш мажмуаси тузди. Бу мажмуа физиотерапия хизмати билан кишилар саломатлиги йўлида халққа мададкор бўлиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, қўмита томонидан ушбу йилда ҳар бир битирувчи қиз меҳнат дафтарчаси билан таъминланиши, олий ўқув юртига кира олмаган қизлар учун захирадаги иш ўринларининг ҳақиқий ҳисобини тайёрлаш масалалари туман ҳокимликлари билан узвий ҳолда ҳал этилмоқда. Айниқса, республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Озиқ-овқат саноати корхоналари" уюшмаси ҳамда "Ўзбекенгилсаноат" компаниясининг тумандардаги корхоналарида бу йилги битирувчи қизлар учун бўш иш ўринларини квоталаб қўйилиши билан биргаликда касбга ўргатиш бўйича амалий машғулотларга йўналтириш ишлари самарали олиб борилмоқда.

**Малика АҲМЕДОВА**
**"Hurriyat" мухбири**

**Лойиҳадан амалиётга**

— Собир, сен Конституцияни ўқиб чиқдингми? Мен ҳар бир моддани ёдлаб олишга ҳаракат қилдим, айниқса, ўзимизга тааллуқли бандларини.

— Мен ҳали ўқимадим.

— Нега? Ахир, унда ўз ҳуқуқларимиз, мажбуриятларимиз аксини топди. Ҳуқуқимиз — қалқонимиз-ку! Ҳуқуқий маданият ҳам аслида бош қомусимизни ўрганишдан бошланади...

# Ҳуқуқимиз — қалқонимиз



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган давлат гранти танловларида фаол иштирок этаётган "Hurriyat" газетасининг навбатдаги лойиҳаси айнан ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ривожлантириш, уларда фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Газета жамоаси томонидан амалга оширилаётган "Ҳуқуқий онг юксаклиги — комиллик кафолати" лойиҳаси доирасида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги 6 та касб-ҳунар коллежи ҳамда академик лицейда маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилиши режалаштирилган. Навбатдаги тадбир Тошкент вилояти Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида ўтказилди. Унда ёшларга яратилаётган имкониятлар, Конституцияни билишнинг ҳамда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг долзарблиги ва аҳамияти борасида сўз юритилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тўлқин Каримов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Абдумажид Азимов, Қибрай тумани судининг судьяси Хуршид Холиқов, туман прокуратураси ходими Аброр Тоғаев, туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспекторлари Ирина Жўраева, Гулбаҳор Мирзакаримова ҳамда таҳририят вакиллари иштирок этдилар.

Лицейга кириб келишимиз билан бу ердаги шарт-шароит дилимизни яшнатиб юборди. Бир кузатувчи сифатида ўқувчиларнинг тартиб-интизоми, кийиниш маданияти, одоб-ахлоқидан кўнглимиз тўлди. Албатта, бунда илмли, ибрат бўладиган устозларнинг ўзига хос ўрни бор.

Юрт келажаги нафақат билимли, истеъдодли, зукко ёшлар, балки ўз ҳуқуқини биладиган, ўзининг ва эл-юртнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қила оладиган салоҳиятли йигит-қизлар қўлида. Ёшларнинг бу каби хислатлари эса айнан мактаб, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида шаклланади.

"Ёшларга оид давлат дастури", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисидаги қонун" каби муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши ёшларнинг баркамол авлод сифатида бўй кўрсатиши учун замин ҳозирламоқда. Чинакам фуқаролик жамиятини қуришга бел боғлаган эканмиз, ҳар биримиз қонунларнинг, Асосий қонунимизнинг моҳиятини чуқур англаб етишимиз лозим. Депутат Тўлқин Каримов шу ҳақда мулоҳаза юритар экан, ватан олдидаги бурч ва масъулият ҳақида тушунча берди.



Мазкур тадбирда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлик ва маданияти даражаси қай аҳволда эканини теранроқ ўрганиш, ёшлар орасида учраётган ўзининг ва ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслик, тарбиясизлик, бепарволик оқибатида турли жиноятларга қўл уриб қўйишларининг олдини олиш ва бундай нуқсонлар сезилган тақдирда, уларни эртароқ бартараф этиш зарур, дея таъкидлади у.

Ҳақиқатан, юртимизда ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони битта бўлса ҳам кўп. Жиноят йўлига кирдингми, тамом. Ҳаётинг издан чиқиши мумкин. Мурғак қалбда ўғирлик, зўравонлик каби ваҳший истаклар қандай қилиб туғилади? Бунга сабаб нима? Оиладаги тарбиянинг, маънавий иммунитетнинг сустлигими? Ёки ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмасликми?

— Ўз фаолиятим давомида энг кўп дуч келган ҳолат жиноятчининг пушаймонлиги. Қонунга хилоф иш қилганда ёшларнинг аксарияти ўзи нима қилаётганини, бунинг оқибати нима бўлишини билмайди. Қилган иши қонун йўли билан шарҳлаб берилгандан кейингина тушунади. Аммо бу пайтда кеч бўлади, — дейди судья Хуршид Холиқулов, — Ёш умр хазон бўлаётганига ачинасан, лекин қонун ҳамма учун баробар.

Демак, қонунни билмаслик, ҳуқуқий саводхонликнинг йўқлиги оқибатида инсонда жавобгарлик ҳисси ҳам шаклланмайди. Оқу қорани фарқлолмайдиганлардан бугун ғараз ниятли кимсалар унумли фойдаланмоқда. Хусусан, бутун дунёнинг эътибори марказидаги ИШИД террорчилар тўдаси таркибида ҳам айнан ёшлардан иборат гуруҳлар борлиги бунга мисолдир. Бундай йўлларга кириб қолмаслик, қонунга ва ўзининг келажагига қарши иш қилиб қўймаслик учун ҳар бир инсон, яхши ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишлари шарт.

— Ўзим ҳуқуқшунос бўлганим сабабли ўқувчиларимнинг ҳуқуқий саводхонлигига алоҳида аҳамият бераман. Улар билан айнан Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти, ёшларга яратилаётган имкониятларнинг ҳуқуқий асослари борасида тез-тез суҳбат қилиб турамиз, — дейди мамнуният билан лицей директори, юридик фанлар номзоди, доцент Раъно Турдибоева. — Ўқувчиларимиз фақат мазкур ўқув даргоҳида ўқитиладиган фанлар билан чекланиб қолмай, янги қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорлари билан ҳам танишиб боришлари учун ҳаракат қиляпмиз. Бу эса уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда катта ҳисса қўшади.

Учрашув сўнгида ушбу даргоҳ ўқувчиларидан 20 нафарига таҳририятнинг дипломи берилди ва улар газетанинг бир йиллик обунаси учун имтиёзга эга бўлдилар.

Ушбу лойиҳа дорасида "Юксак ҳуқуқий маданият — кучли фуқаролик жамияти гарови" номли иншолар танлови ҳам эълон қилинди.

— Бугунги тадбирда ҳуқуқий билимлар келажак ҳаётимизни тўғри ташкил қилишимизда нақадар асқотишини англадим, — дейди лицей ўқувчиси Висолабону Исмоилжонова, — Бундай анжуманлар кўпроқ уюштирилишини хоҳлайман. Айниқса, "Hurriyat" газетасига фаол ўқувчи сифатида бир йиллик обуна бўлганимдан хурсандман. Эълон қилинган иншолар танловида ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан.



Кучли фуқаролик жамияти сари дадил бораётган мамлакатимизга чинакам қалқон бўла оладиган, дунёқараши кенг, салоҳиятли авлод керак. Бу каби тадбирлар эса шундай авлодни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

**Ш. МУРОДУЛЛАЕВА**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағлари асосида чоп этилмоқда.*

# Гўдаги соғлом онанинг бахти тўлиқдир

« Бошланиши 1-бетда

Мутахассислар томонидан икки ойлик иш фаолиятимиз таҳлил қилинганда, жарроҳлик бўлимида операциялар миқдори кўпайиб бораётгани аниқланди. Бу албатта, соҳа олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Хорижлик мутахассислар ҳамкорлигида юртимизда лапароскопик жарроҳликни ривожлантириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга қарамай, ногирон бола етаклаб келаётган инсонлар ҳам етарлича.

Аммо... бунинг чорасини ҳомиладорликнинг илк ҳафталарида топиш мумкин эди. Келин-куёвлар яқинларига хушхабарни етказишга ошиқмасдан, туғилажак фарзандининг саломатлиги ҳақида қайғурсалар яхши бўларди. Чунки ҳомиланинг юраги уч ҳафталигидан ура бошлайди. Бола она олаётган нафас ва ҳаракатга қараб тебранади. Айрим оилаларда ҳомиладор аёлнинг нимани ўйлаши, фикр қилиши, ҳис-туйғулари билан ҳеч ким қизиқмайди. Она бўлиш арафасида турган аёлнинг дам олиш хонасига ҳаво ўтказмайдиган қалин пардалар осиб қўйилади. Ёки ҳомиладорликнинг охирги ойларида ҳам она оғир юкларни кўтариб юраверади. Маълумки, юртимизнинг ҳар бир гўшасида қишлоқ врачлик пунктлари, кўп тармоқли поликлиникалар фаолият кўрсатиб турибди. Оилавий шифокорлар ҳар бир хонадоннинг яқин маслаҳатгўйларига айланиб бормоқда. Туғруқ ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиб туришлари лозим. Ҳомиладор аёлга масъул шифокор соғлом болани дунёга келтириш учун нималарга эътибор қаратиш борасида тушунтириш ишларини олиб боришдан эринмаслиги керак. Шундагина, наслнинг соғломлигига эришиш мумкин.

Ҳомиладор аёлни парваришлаш, эъзозлаш, керак пайтда тиббий ёрдам кўрсатиш, моддий таъминотини ташкил этиш жамиятнинг муҳим ишига айланган. Шу мақсадда, Ўзбекистонда микронутриент танқислигининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш, яъни истеъмол тузини йодлаш, уни тўйинтириш, темир, фолий кислотасини сопплементация қилиш борасида муҳим дастурлар амалга оширилмоқда. Поливитаминларни харид қилиш учун давлатимиз томонидан керакли миқдорда маблағ ажратилган. Булар оналар саломатлигини мустаҳкамлаб, болаларнинг туғма нуқсон билан туғилишининг олди олинаётир.

— Юртимизда юқори технологиялар ёрдамида кечаётган мураккаб операциялар жаҳоннинг саноқли давлатларидагина амалга оширилади, — дейди шошилинч жарроҳлик бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Ҳошим Султонов. — Илғор даволаш усулларини қўллаш учун клиникамизда жаҳоннинг етакчи тиббий марказлари билан тажриба алмашиш, малака ошириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ўзим ҳам болалар жарроҳлиги замонавий текширув ва диагностик усулларини ўрганиш мақсадида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридаги "Samsung Medical Center"га ўқишга бордим. У 20 минг ўринга мўлжалланган бўлиб, бутун дунёдан келган касалларни қабул қилади. Кореялик ҳамкасбларимизнинг беморлар билан ишлаш тартибини кўриб, очиғи, ҳавасим келди. Биророрта кишини шифокорнинг йўлига илҳақ бўлиб турганини кўрмайсиз. Иш вақти 9 дан 22 гача. Беморлар битта эшикдан кириб, барча муаммоларини бош шифохона таркибидаги тиббий марказларда ҳал қилишади.

Клиникамизда ҳам йилдан-йилга янги бўлимлар ташкил этилиб, керакли мутахассисликлар қамраб олинмоқда. Кореяда ҳам болалардаги туғма юрак касалликларини бартараф этиш учун жуда катта маблағ талаб қилинаркан. Кореяда бола туғилган заҳоти тиббий суғурта қилиниши туфайли беморнинг яқинлари бундан асло ташвиш чекмайди. Ҳар қандай шароитда



ҳам, операциянинг 80-90 фоизини бемор захирасидаги пул қопларкан. Тўғри, фарзандини суғурта қилиш ёки қилмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Аммо бошга бирон ташвиш тушганда, бу катта фойда бериши аниқ. Айни кунда ўзимизда кўплаб тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Аммо сифат даражаси халқаро талабларга жавоб бермаслиги туфайли оддий анжомларни юқори нархда четдан оляпмиз. Яна мени ҳайратга солган жиҳати шу бўлдики, "Samsung Medical Center"да дунё бўйича болаларда учрайдиган туғма касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганиларкан. Ўқув машғулотлари давомида болаларда учрайдиган юрак, буйрак, ошқозон-ичак ва умуртқа поғонаси билан боғлиқ касалликларнинг янгича даволаш усулларини ўргандим. Болалар нафас йўллари йирингли касалликлари бизнинг ҳам диққат марказимизда бўлиб келган. Бу касаллик, асосан, 18 ёшгача бўлган болаларда учраб, узоқ муддатгача туғма ёки орттирилган турларини билдирмаслиги мумкин. Касалликка кечиктириб қўйилган ташхис кўпинча ўпка ва юрак-қон томир тизимида иккиламчи ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шошилинч жарроҳлик бўлимимизга Қашқадарёдан бир беморни олиб келганини эслайман. Онаси ўчоқда овқат қилган. Фарзанди ўйин билан бўлиб, ўчоқ бошида йиқилган. Кутилмаганда қўрадаги чўғ нафас йўлига тушиб, овқат хазм қилиш тизимини куйдириб юборган. У тузалиб кетиши учун йиллар давомида даволанди. Болалар бир ёшдан то беш ёшгача ҳамма нарсани оғзига солиб, ўрганишни яхши кўришади. Иложи борича, атир, шампун, гугурт, сирка, идиш ювадиган кукунларни болалар қўли етмайдиган жойда сақлаган маъқул. Ёш бола кўзига чиройли кўринган идишга сув солиб ичиши мумкин. Кимёвий воситалардан антисанитар ҳолатда фойдаланиб, ички аъзоларини ишдан чиқарган беморларни кўп даволаганман.

Бир беморнинг яқинлари фарзандининг тез-тез йўталиши, ҳансираши, нафас йўлидан йирингли балғам ажралаётганидан шикоят қилиб келди. Болани рентгенга туширганимизда, ўпкасига кичкина мих қадалиб қолгани маълум бўлди. Эътибор беринг, она рўзғор иши билан банд бўлган. Бола ерда ётган михчани ўзи билмаган ҳолда ютиб юборган. Томоғидан бир қултум сув ўтмай қолгандан кейин шифокорга мурожаат қилишган. Поликлиникадагилар йўталини ҳисобга олиб, шамоллашга қарши кучли дори-дармонлар ёзиб берган. Натижада, боланинг касали зўрайиб, ўпка хуружигача етиб келган. Болага нега ютиб юборган нарсангни ота-онангга айтмадинг, дея савол берганимда, буни ҳеч ким сўрамади, деб жавоб берди.

— Боламнинг ҳаётини сақлаб қолгани учун шифокорлардан миннатдорман, — дея дил сўзларини изҳор этди фарғоналик Сорахон Олимова. — Фарзандим бир-икки марта қорним оғрияпти, дегандай бўлувди. Мен эса бирор овқат ёқмаганмикан, деган хаёлда ўз ишим билан овора бўлибман. Мактабдан тоби қочиб келгандан кейин унинг соғлиғида жиддий камчилик борлигига ақлим етди. Гижжа туфайли жигари қаттиқ лат еганi аниқланди. Зудлик билан операция қилишди. Тез орада оёққа туриб, яна ўқишни давом эттиришини айтишаяпти.

Клиникада Тошкент шаҳридаги 5-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган бемор болаларнинг режали равишда саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратиляпти. "Сен ёлғиз эмассан" фонди билан ҳамкорликда ўтказилган турли тадбирларда шифохона мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси, Урганч, Бухоро ва Қарши шаҳарларига бориб, бемор болаларга операция муолажаларини қўлламоқда. Қарийб 30 йилдан буён аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиб келаётган бу бинода ҳозирги пайтда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Демак, ҳали клиниканинг ўқув, илмий, даволаш бўлимлари



кенгайиб, беморларга кўплаб қулайликлар яратилади. Келажакда марказдаги ягона шифохона нафақат ватанимизда, балки халқаро тиббий марказлардан бирига айланишига ишончимиз комил.

**Адиба УМИРОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

# INHA имкониятлари

**Замон ўзгаришлари**

Бугун дунёнинг нариги четидаги яқинингиз билан ҳам истаган вақтингизда бемалол гаплаша оласиз. Бир неча ойлаб юракни эзадиган соғинч сизга азоб беролмайди. Унинг давоси оддийгина қўл телефонида мужассам. Битта тугмани боссангиз, олам гулистон. Янги технологияларнинг ривожи бизга шундай имкониятларни туҳфа этмоқда.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети каби олий ўқув юртларида таҳсил олаётган тенгдошларимиз дунёвий билимларни эгаллаб, ахборот технологияларидан фойдаланиш маданиятини ўрганиш баробарида унинг ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу каби таълим муассасалари сафига 2014 йилда пойтахтимизда ўз фаолиятини бошлаган Жанубий Кореянинг Инҳа университети ҳам қўшилди.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари мутахассисларига талаб юқори. Жанубий Корея АКТ бўйича дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бири эканини ҳисобга олганда, мамлакатимизда Инҳа университетининг фаолият юритаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Кўпгина олий таълим муассасаларидан фарқли ўлароқ, унда асосий эътибор мутахассислик фанларига қаратилади. Бундан ташқари, таълим олиш жараёнида талаба ўзи хоҳлаган фанини танлаб ўқиши мумкин. Бу ерда ёшлар ўқув адабиётларини топишга ва сотиб олишга қийналмайди, улар бепул тарқатилади. Бу ўқишнинг самарали бўлиши учун замин ҳозирлайди. Университетда барча мутахассислик фанларидан хорижлик профессорлар сабоқ беради. Таълим эса инглиз тилида олиб борилади. Демак, талабалар инглиз тилини мукаммал билиши керак. Бу ерда ёшлар чет эл тажрибаларини нафақат назарий жиҳатдан ўрганишяпти, балки Жанубий Кореядан келтирилган махсус физика лабораториясида амалий тажрибалар ҳам ўтказмоқда.

Таълим жараёнида берилган топшириқни бажариш учун қанчадан-қанча илмий манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Университетнинг барча қаватларига Wi-Fi (симсиз интернет) тизими ўрнатилгани электрон кутубхоналардан бемалол фойдаланиш имконини беради. Барча шароитларга эга кенг кутубхона эса мустақил дарс тайёрлаш учун тенгдошларимизнинг севимли масканига айланиб улгурган.

Ёш авлоднинг камол топишида Устозларнинг ўрни беқиёс. Жанубий Кореялик Парк Женам, Канг Санг Гил, франциялик Людовик Арнауд каби ўқитувчилардан сабоқ олаётган талабалар билимларини кундан-кунга бойитмоқда.

Бу олий ўқув юртининг ташкил топганига кўп бўлмади. Аммо эришаётган ютуқлари талайгина. Яқинда ушбу университет талабалари "Кафолат суғурта компанияси"нинг мобиль иловасини ишлаб чиқишди. Талабаларни қизиқтириш ва мақсадга эришиш учун компания ва университет фаоллари ташаббуси билан танлов ташкил қилинди. Унга кўра, талабалар "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi" AJ учун суғурта хизматларини талқин қилувчи ҳар томонлама мукаммал мобиль дастурни тақдим этишлари керак эди. Бу натижага эришиш учун ўн учта гуруҳ ўзаро рақобатлашган ҳолда ўз лойиҳаларини ишлаб чиқди. Иккинчи босқичда бешта энг яхши лойиҳа таклиф қилган гуруҳ танлаб олинди ва учинчи босқичда ғолиб аниқланди. Компания бошқа бир тажрибали соҳа мутахассисларини шу мобиль дастурни ишлаб чиқишга жалб қилиши мумкин эди. Аммо улар айнан Инҳа университети талабаларини танлади. Ёшларга катта ишонч билдирди ва маълум маънода ўз ишончининг оқланганини кўриб мамнун бўлди. Бу ташаббус натижаси ўлароқ, талаба-ёшлар суғурта маданиятини, унинг қонун-қоидаларини ўрганишди ва бевосита дастур тузиш бўйича олган билимларини амалда синаб кўриб юқори натижага эришишди. Нодирбек Холиқулов, Рашид Тожибоев ва Қудратилло Исматовлар томонидан ишлаб чиқилган ушбу дастурда барча замонавий қулайликлар мавжуд. Сиз ушбу мобиль дастурдан фойдаланиб, суғурта турлари ҳақида маълумот олишингиз, суғурта қилдиришингиз, саволларингиз бўлса, мурожаат қилишингиз, хоҳлаган пайтингизда калькулятор билан суғуртангизни ҳисоблашингиз, вилоятларда жойлашган филиалларнинг харитаси билан танишишингиз мумкин. Энг асосийси, у оддий, тушунарли шаклда ишлаб чиқилган. Ўйлаймизки, тенгдошларимиз томонидан эришилаётган ютуқлар йилдан-йилга кўпайиб бораверади.

**Шоҳсанам КОМИЛОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

9 (968)
/2016-yil
2-mart/

# ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ:

## МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МУҲИМ ҲУЖЖАТ

**Қонун тарғиботи**

Бугун бирор соҳани ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Шунинг ўзиёқ мазкур йўналишни қонунлар орқали мустаҳкамлашни талаб этади.

Ўтган йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни кучга кирди. Мазкур қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 18 ноябрда қабул қилинган, 6 боб, 34 моддадан иборат.

Қонун давлат органларининг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш ва электрон ҳукумат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган. Унда соҳадаги асосий тушунчалар, унинг принциплари, инфратузилмаси, соҳадаги давлат бошқаруви, электрон давлат хизматларини кўрсатишга қўйиладиган талаблар, шунингдек, давлат органларининг электрон ҳукумат доирасидаги ҳамкорлигини белгиловчи нормалар ўз аксини топган. Лойиҳа электрон ҳукумат принципларини, уларни бошқариш тартибини, ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

Қонуннинг асосий мақсади ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш асосида давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини кучайтириш, электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини мақбуллаштириш, электрон давлат хизматларининг сифати ва улардан фойдаланиш қулайлигини ошириш, процедураларни соддалаштириш ва уларни кўрсатиш муддатларини қисқартиришдан иборат. Бундан ташқари, давлат хизматларини олиш билан боғлиқ маъмурий харажатларни камайтириш, давлат органларининг ахборот-маълумотлар базаларини шакллантириш, бошқарув тизимида "ягона ойна" принципини жорий қилиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат тизимидан фойдаланиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш назарда тутилган.

Давлат органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот ҳамкорлиги шу борадаги маълумотлардан фойдалана олиш, фойдаланувчиларга электрон шаклда маълумотлар алмашиш имкониятларини тақдим этиш, интеграциялашган электрон давлат хизматларидан ягона фойдалана олиш нуқтаси, шунингдек, давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали сўровларни расмийлаштиришни таъминловчи Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг электрон ҳукуматнинг идоравий ва идоралараро ахборот тизимларидан фойдалана олишлари, шунингдек, "ягона ойна" принципи бўйича давлат хизматларини кўрсатиш имконини бериш мақсадида электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари яратилади.

Кутилаётган натижалар шундан иборатки, ушбу қонун мамлакатимизда электрон ҳукуматнинг янада ривожлантирилиши давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларга электрон давлат хизматлари тақдим этиш тизимини яхшилайди. Турли соҳаларда (соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-жой коммунал хўжалиги, савдо-сотиқ ва ҳоказо) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтиради. Шунингдек, қабул қилинаётган қарорларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш, тегишли ахборот-таҳлилий тизимларини яратиш ва уларнинг ишлаши ҳисобига давлат бошқарувига сарфланадиган харажатларни қисқартиради.



Яна бир аҳамиятли жиҳати, ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янада ривожланиши, интерактив хизматлардан фойдалана олишнинг кенгайтирилиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида энг катта талабга эга бўлган 30 дан ортиқ электрон давлат хизматларини амалга ошириш ҳамда жорий қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Қонун идоралараро интеграциялашув платформаси ва ахборот тизимлари мажмуаларининг яратилиши 2020 йилга келиб, сифатли хизмат кўрсатиш ва давлат органларининг бир хил идоралараро электрон ҳамкорлигига тўлиқ ўтиш учун электрон ҳукуматнинг 18 та ахборот тизими, маълумотлар базалари мажмуаларини интеграциялаш имконини беради.

Кейинги йилларда давлат органларини компьютерлаштириш, локал ва корпоратив маълумотлар узатиш тармоқларини яратиш, идоравий маълумотлар базалари ва ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда ва бугунги кунда барча давлат органлари Интернет тармоғидан фойдалана олиш имконига эга.

Жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали динамик ривожланиб, Интерактив давлат хизматларининг ягона портали яратилди. Ҳозирги кунда ягона порталда 250 дан ортиқ интерактив давлат хизматлари жорий қилинди ва у орқали бундай хизматлар олиш учун бугунга қадар 350 мингдан зиёд ариза берилди.

2003 йилда электрон рақамли имзонинг қонуний жорий қилиниши ва ундан фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонуни нафақат давлат органларида, балки хўжалик юритувчи субъектларда электрон ҳужжат айланиш тизимини ривожлантириш имконини берди. 150 дан ортиқ орган ва муассасалар уланган ягона ҳимояланган электрон почта яратилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Кўплаб давлат органларида АКТнинг жорий қилиниши ҳозирча идора ичидаги тусга эга, бу идоралараро ҳамкорликни анча яхшилаш ва аҳолига ҳамда тадбикорлик субъектларига тақдим этиладиган давлат хизматларининг сифатини ошириш имконини бермайди. Аввал шакллантирилган ахборот тизимлари ва давлат органларининг ресурслари турли хил платформалар ва технологияларда ишлаб чиқилган бўлиб, улардаги маълумотлардан бошқа давлат органлари тезкор фойдалана олмайдилар. Бу амалда идоравий ахборот алмашинувида кўп вақт кетишига, турли маълумотлар тизимлари ва базаларидаги ахборотни кўп маротаба йиғиш ва такрорлашга олиб келади.

Ҳозирги кунда кўпгина давлат органларида марказлаштирилган маълумотлар базалари, ҳамма фойдалана оладиган маълумотномалар ва таснифлагичлар мавжуд эмас. Ушбу тенденцияни ҳисобга олиб, ҳозирги вақтда электрон давлат хизматларини тақдим этиш доирасида давлат органларининг ўзаро, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлиги электрон шаклларининг юридик аҳамияти, ишончлилиги ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи ягона технологик инфратузилмани шакллантиришга доир ишлар бошланди.

Идоралараро ахборот тизимлари, электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ва ахборот ресурсларини жорий қилиш мақсадида қонун даражасида электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тизимга солиш тартибини ўрнатиш талаб қилинади. Ушбу қонун электрон ҳукумат доирасида давлат органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан, шунингдек, ўзаро муносабатларини тартибга солувчи муҳим ҳужжат сифатида хизмат қилади.

**Марҳабо ҒАФУРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси**

**Машҳур журналистлар ҳаётидан**

## УЛАР ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?



**Бенжамин Франклин** — бу йирик шахсни кўпроқ сиёсат арбоби сифатида танишади. Аслида у ўта серқирра фаолият эгаси. Жумладан, турли нашрлар, босмахоналарда ишлаб, матбуот, матбаа соҳаларига ҳам катта ҳисса қўшган.

1706 йил 17 январда Бостонда туғилган. У англиялик муҳожир Жозай Франклиннинг 17 фарзанди орасида ўн бешинчиси эди. Отаси совун ва шам ясайдиган ҳунарманд бўлган. У фарзандининг мактабга бориб илм олишини жуда истаган, аммо шароит тақозоси билан Бенжамин мустақил ўқиб савод чиқаради. У кўп китоб ўқирди ва бу қизиқиши кун келиб унга асқотди. 1727 йилда Филадельфияда хусусий босмахона ташкил қилди. 1729–1748 йилларда "Пенсильвания газетаси"ни чоп эттирди. 1732–1758 йиллар оралиғида эса "Фақир Ричард альманахи" йиллик тўпламини босмадан чиқаради. 1731 йилда Америкада биринчи оммавий кутубхонани ташкил этди.

Бенжамин Франклин Америка Конституцияси асосчиларидан бири. У 1790 йил 17 апрелда вафот этди. Мотам маросимида 20 мингдан зиёд одам қатнашган. Унинг "Вақт бу — пулдир" афоризми бугун ҳам катта қийматга эга.



**Альфред Герман Фрид** (1864–1921) австриялик (келиб чиқиши яҳудий) журналист ва пацифист (ҳар қандай урушларга қарши). У 15 ёшида мактабни тугатиб, китоб дўконида ишлай бошлади. Шу давр унинг келгусида журналистика соҳасини танлашига замин ҳозирлаган бўлса, ажабмас. 1883 йилда Берлинга кўчиб келди ва анча йиллик тажрибаларидан сўнг (1892 йилдан) ҳамкори Берто Зуттнер билан биргаликда "Йўқолсин қурол" журналини чоп эттира бошлади. Тарафдорлари кўпайгач, уч йил ўтиб, урушни қораловчи янги "Тинчлик посбонлари" номли журналга асос солди. Фрид 1892 йилдан эътиборан Германиядаги урушга қарши ҳаракат ташкилотчиси ҳисобланарди. У қурол-яроққа чек қўйиш ва халқаро ҳуқуқ тизимини қайта кўриб чиқиш борасида кўплаб маърузалар қилди. Фриднинг Тобиас Ассер билан бирга тинчлик ва интернационализм учун олиб борган ишлари 1911 йилда Нобель мукофотига лойиқ кўрилди. У 1921 йили Венада вафот этди.

**Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

## ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАРГА ДОИМИЙ КЎМАК

Бошланиши 1-бетда

2008 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Жамоат фонди ва комиссия ҳар йили нодавлат нотижорат ташкилотлари, медиа тузилмалар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик энг яхши лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашмоқда.

Ўтган йили давлат бюджетидан бу мақсадларга 2008 йилдагига нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилган. 2015 йилда давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида молиялаштиришга 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Грант учун мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти, оммавий ахборот воситаси ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 1200 дан ортиқ лойиҳа тақдим этган. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти, Тошкент шаҳри энг кўп лойиҳа билан қатнашган. Лойиҳалар доирасида нуронийларни эъзозлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, ҳудудлар ривожига доир кўплаб ишлар амалга оширилган.

2016 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштиришга давлат бюджетидан 11 миллиард сўм маблағ ажратилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросининг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши, баркамол авлодни вояга етказиш, табиат муҳофазасига оид танловлар жамоат ташкилотлари фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# Замонавий дизайн талаби ҳақида айрим мулоҳазалар

**Ҳам ўқишли, ҳам кўримли**

Компьютер технологиялари газета журналларни саҳифалаш жараёнига катта таъсир кўрсатди, шу билан бирга соҳа мутахассисларининг масъулиятини ҳам оширди. Илгарилари газетанинг мавқеи фақатгина мақолалар мазмун-моҳияти билан белгиланган бўлса, ҳозир дизайн ҳам уни баҳолашда асосий мезонлардан саналмоқда.

Интернет, телевидение каби замонавий ахборот воситаларидан фойдаланувчи аудиторияни оддий вербал маълумотлар билан жалб этиш осон эмас. Шунинг учун хориж нашрларида визуал воситалардан ҳам унумли фойдаланилади. Бугунги ўқувчилар ўқишдан кўра томоша қилишни афзал кўрмоқда. Улар мақолаларнинг савияси, оригиналлиги билан бирга унинг қандай тақдим қилингани, яъни дизайни: ранглар мутаносиблиги, расмларнинг жойлашуви, ҳатто шрифтларнинг қандайлигига ҳам синчиклаб эътибор беради. Демакки, бугунги газета ва журнал дизайнерларидан шунчаки, компьютер дастурларини яхши билиш эмас, эстетик дид, бадиий тафаккур, ижодкорлик қобилияти, журналистик маҳорат ҳам талаб этилади. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, дизайнерларимиз бу талабларга қай даражада жавоб беряпти? Газета-журналларимиз дизайни қандай аҳволда? Улар жаҳон стандартларига тўла мос келадими?

Миллий матбуотимиз нашрлари дизайнига эътибор қаратадиган бўлсак, жаҳон стандартларидан бироз ортда қолаётганини кузатишимиз мумкин. Туман, ҳатто айрим республика нашрлари дизайнининг ўхшашлиги, ўзаро фарқланмаслиги, ҳатто бир хил қолипга тушиб қолгани, уларда янги инновацион ғоялар, замонавий тенденциялардан деярли фойдаланилмаётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ўқувчини албатта зериктириб қўяди, ўзига жалб қилмайди. Туман нашрларининг кўпчилигида материалларнинг зичлиги, мақолалар бир-биридан аниқ ажратилмагани, умуман, дизайннинг ўта жўнлигини кўрамиз. Республика нашрларида эса сарлавҳалар бир хил катталикда ва уларга ишлов берилмаганини умумий нуқсонлар сифатида санашимиз мумкин. Айрим нашрларда шрифтлар қўллаш, ранглар мутаносиблиги, расмлар жойлаштиришда камчиликлар учрайди.

Ранг дизайнернинг асосий қуролидир. Яъни газета дизайнида ранглар мутаносиблиги жуда муҳим. Агар ранглардан тўғри фойдаланилмаса, мақолани ўқишга ноқулайлик туғдиради, кўзнинг толиқишига сабаб бўлади. Масалан, "Моҳият" газетаси сўнгги саҳифасида "Хориж хабарлари", "Маданият хабарлари" рукнлари остида бериладиган хабарлар остига тўқ рангдаги фон берилиши ёзувни ўқишни қийинлаштиради. Фон рангини очиқроқ ёки ёзувни қора рангда бериш мақсадга мувофиқ. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг айрим сонларида рукнлар яшил фон устига кўк ёзувда ёки кўк фонга қизил ёзувда жойлаштирилган. Яшил ва кўк ранглар бир-бирига ўхшагани, бунинг устига қизил ҳам, кўк ҳам тўқ рангда берилгани сабабли ёзувни ажратиб олиш ноқулай. "Юқори Чирчиқ" газетасида эса рукнлар жуда ҳам тўқ рангда берилмоқда, бу эса кўзни толиқтириб қўяди. "Ҳазораспнома", "Бекобод ҳақиқати" газеталарида ҳам баъзи ўринларда ранглар мутаносиб эмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Жаҳон стандартларига кўра мақола матнини бир хил катталикда ва шрифтда тайёрлаш тавсия этилади. Бу ўқувчининг материалларни равон ўқий олиши ҳеч бир жойда тўхталмаслиги, эътибори чалғимаслигини таъминлайди. Сарлавҳа эркин шрифтларда, ҳар хил кўринишларда, дизайнернинг фантазиясига қараб берилиши мумкин. Баъзи нашрларда эса матнларнинг ҳар хил шрифтлар ва катталикларда берилганини кўрамиз. Масалан, "Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 30-сонидаги "Маҳалла — ҳам ота, ҳам она" сарлавҳали мақола ён саҳифалардаги мақолаларга нисбатан катта шрифтда берилган. "Оз-оз ўрганиб доно бўлур" рукнида берилган ҳикматларнинг қолган мақолалардан яққол ажралиб турадиган даражада йирик ҳарфлар билан берилгани саҳифа тўлдиришга уринишдай таассурот қолдиради. Ёки "Хива тонги" газетасининг 2013 йил 15 ноябрь сонида "Билиб қўйган яхши" рукни остидаги материал қолган мақолалардан кўра сезиларли даражада кичик шрифтда эълон қилинган. Умуман, ундаги мақолаларнинг бири "progmatic", бири "Times new roman" каби ҳар хил шрифтларда тақдим этилгани газетани безаган дейиш қийин. Кўпчилик газеталардаги дизайн билан боғлиқ тартибсизлик ўқувчиларни эсанкиратиб қўйиши ҳеч гап эмас. Масалан, "Қашқадарё" газетаси рукни гоҳида юқорида, гоҳида ўртада, баъзида эса "беш квадрат"дан кейин жойлашганини айтиш мумкин. Аслида, ўқувчи газетани варақлагандаёқ, аввало, сарлавҳа ва рукнга кўзи тушиши керак. Баъзи газеталарда эса сарлавҳа — ярим мақола бўлишига қарамасдан, рукнга асосий урғу берилганини кузатамиз. Мақола муаллифи сатрнинг ўнг томонида берилади. "Ғиждувон" газетасида муаллиф номининг ўнг, чап томонда ва ҳатто сатр ўртасида берилганини ҳам кўриш мумкин.




Айрим газеталарда бериладиган суратларнинг нотабиийлиги, фото коллажлардан фойдаланилмаслиги, **PhotoShop, Corel Draw** дастурларида яхши ишлов берилмаслиги, яъни уларнинг сифатсизлиги муштарийларнинг нашрга бўлган қизиқишини пасайтириши ҳеч гап эмас. Бунга кўпчилик нашрларимизнинг фотомухбири йўқлиги, дизайнернинг юқоридаги дастурларни тўлиқ билмаслиги сабаб. Суратлар газетага кўрк бағишлаб туради, шунинг учун газета дизайнида суратларга ишлов бериш, уларни жойлаштириш муҳим омил.

Нафақат юқорида мисол келтирилган газеталар, балки миллий матбуотимизнинг юзи бўлган нашрларнинг ҳар бирида баъзи камчиликларни санаб ўтиш мумкин. Миллий газетчилигимиз дизайни тараққиётига тўсиқ бўлиб турган асосий омил қолиплашув ва бир хиллик, жаҳон тажрибаларидан кенг фойдаланмаслик, деб ўйлаймиз. Аммо айрим газеталарда янгиликка интилиш, инновацион усулларнинг баъзи унсурларини кузатамиз. Масалан, "XXI аср" нашрида сарлавҳалар катта шрифтларда берилиб, ранглардан тўғри ва ўрнида фойдаланилади. "Моҳият" газетасида халқаро тажрибалардан бирини — мақолалар орасининг бўш жой (ҳаво) билан ажратилишини кўрамиз. Чет эл нашрларида телевидение билан рақобат натижасида газеталарда, кўпинча маълум соҳага ихтисослашган нашрларда диаграммалар, инфографикалар, жадвалли маълумотлар жойлаштирила бошланган. Газета узоқ муддат сақланиши сабабли бу усул унинг телевидениедан устун томони ҳисобланади. Бизда эса бу усуллардан кам фойдаланилади, буни фақатгина "Infocom" журнали ва бошқа саноқли нашрларда кузатишимиз мумкин.

Халқимизда бир нақл бор: "Кийимингга қараб кутиб олишади, хулқингга қараб, кузатиб қўйишади". Қиссадан ҳисса шуки, ўқувчи газетанинг дизайнига қараб сотиб олади ва ундаги мақолаларни ўқиб, унинг доимий мухлисига айланади.

Биз ёзганларимиз билан қайсидир нашрни бошқасидан устун қўйиш ёки камситиш ниятимиз йўқ. Шунчаки, замонавий дизайнга бўлган давр талабини кўрсатиб бермоқчимиз, шу боис жузъий камчиликларни қаламга олдик. Зеро, миллий матбуотимизда ҳаммаси гўзал бўлишини истаймиз.

**Санжар ЭШМУРОДОВ**

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**2 март – Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун**

**Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қисқа вақт ўтиб – 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Бу билан мамлакатимиз халқаро муносабатларда сиёсатининг очиқлигини, холислигини, барча давлатлар билан ҳамкорлик тарафдори эканини эълон қилди.**



Ватанимиз тарихига муҳим воқеа сифатида муҳрланган ўша кундан эътиборан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпирай бошлади. 1993 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида БМТ ваколатхонаси очилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан бутун дунё учун муҳим бўлган кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Улар орасида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ғояси алоҳида ўрин тутади. Мазкур ташаббус жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Ислом Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш, Орол муаммосини бартараф этиш, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасидаги таклиф ва ташаббуслари нафақат минтақа, балки глобал миқёсда ҳам муҳим масалалар сифатида эътироф этилди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган Мингйиллик саммитида халқаро терроризм ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир таклифларни билдирди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу ғоянинг амалий натижаси бўлди.

2010 йили мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида Ўзбекистон ташаббуси билан ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Мазкур ҳужжат икки халқаро ташкилотнинг салоҳиятини янада оширишга, минтақада ва бутун дунёда тараққиётга, хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳисса бўлиб қўшилди.

Мамлакатимизда БМТ ва унинг қатор тузилмалари – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир. Улар билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Ўзбекистоннинг БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги алоҳида эътиборга молик. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Термиз шаҳарларидаги кўплаб обидалар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шашмақом, катта ашула, Наврўз ва аския инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида тарғиб этилмоқда. Самарқандда ҳар икки йилда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда.

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан ҳамкорликда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва гендер тенглигини таъминлаш борасидаги дастурлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Улар болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни юксалтириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва уларни иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш, репродуктив саломатлик хизматларини кенгайтириш сингари соҳаларни қамраб олган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда БМТ тузилмалари билан биргаликда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси ҳамда бошқа қатор мавзуларга бағишланган йирик халқаро анжуманлар ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Мазкур нуфузли анжуман Ўрта асрлар алломаларининг илмий меросини ўрганиш, замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини таҳлил этиш, бу борадаги халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

2014 йилнинг 6 июнида пойтахтимизда ўтган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзуидаги халқаро конференция арафасида Тошкентда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ваколатхонаси очилди. Мазкур ваколатхона Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти — ЮНВТО билан ҳамкорлик самарасида мамлакатимизга келувчи сайёҳлар оқими мунтазам ошиб бормоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз сайёҳлик соҳасида халқаро ярмаркалар, конференциялар ва семинарларга мезбонлик қилаётир. 2014 йил октябрь ойида Самарқандда ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси юртимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилаётганининг яна бир карра тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб келади. Хусусан, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, минтақада яшаётган миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан.

2010 йил апрель ойида мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Оролбўйида бўлиб, экологик бўҳрон оқибатлари билан бевосита танишди. Бу Орол муаммосига жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этган воқеа бўлди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган "Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури" БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 2015 йил июнь ойида мамлакатимизга расмий ташриф билан келгани БМТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканининг яна бир ифодасидир. Президентимиз Ислом Каримов билан мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, экология муаммоларини ҳал этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм ва наркотрафик хавфига қарши курашиш каби масалалар бўйича фикр алмашилди.

2015 йилда БМТ ташкил топганининг 70 йиллиги мамлакатимизда ҳам кенг нишонланди.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар кўплаб йўналишларда ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлик доирасида жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш борасида илгари сурган таклиф ва ташаббуслари дунё ҳамжамиятида глобал масалаларга эътиборнинг кучайишига, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

**М.ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## Томорқа – даромад манбаи

Бугун юртимизда тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган инсонлар жуда кўп. Бир парча ердан миллионлаб даромад олаётганлар ҳам бор. Ана шундай инсонлардан бири Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Қорасув" қишлоқ фуқаролар йиғини "Қорасув" маҳалласида яшовчи Абдусаттор Хидировдир. Абдусаттор ака нафақада бўлишига қарамасдан бугунги кунда ҳам тиниб-тинчимайди.

# Саломатликка ҳам кони фойда

Оила соҳиби ҳовлининг 1,8 сотих майдонида мўътадил иқлимда ўсувчи шампиньонлар оиласига мансуб "Вешенка" навли қўзиқоринни парваришлаб келмоқда. Деҳқон мана икки йилдирки, катта тажриба тўплаб, мўл ҳосил олиб, яхшигина даромад қилаётир.

Маълумки, бу навли қўзиқорин бир ойда тайёр бўлади. Уни истеъмолчилар қовурилган ҳолда шўрва қилиб, тузламалар ва турли салатларда ишлатишади.

– Энг муҳими, ушбу ўсимлик даромадга ҳам, саломатликка ҳам кони фойдалилиги билан ажралиб туради, – дейди Абдусаттор ака биз билан суҳбатда. – Уни етиштиришнинг ўз сир-синоатлари бор. У нозик бўлгани учун алоҳида парвариш талаб этади. Бир-икки бор қилган киши сўнг ўрганиб олади. Олдимга кўплаб маҳалладошлар, таниш-билишлар келиб қўзиқорин парваришлашни ўргатишни сўрашади. Уларга қўлдан келганча маслаҳат бераман.

Бу каби отахонларни кўриб, ғайрати жўшиб кетади, кишининг. Уларга қарата "ҳеч чарчаманг, мўътабар отахонлар" дегинг келади.

Энди ўсимликнинг алоҳида хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, унинг 100 граммида 3,3 грамм оқсил, 0,4 грамм ёғ, 4,2 грамм углеводлар, 88,8 грамм сув бўлиб, қуввати 38 кКал.ни ташкил этади. У таркибидаги оқсил ва углеводлари билан сабзавотларга, витаминлари билан эса мол гўштига тенглаша олади. Унинг В, С, Е, $Д_2$ ва инсон организми учун зарур бошқа витаминларнинг мавжудлиги, организмдаги холестерин миқдорининг камайишига ҳам хизмат қилиши мутахассислар томонидан таъкидланган. Шунингдек, таркибида темир, калий, кальций, йод ҳамда бошқа элементларнинг мавжудлиги эса организм иммунитетини ошишига ёрдам беради.

*Хуршид* **ФАЙЗУЛЛАЕВ**

Reklama

**Мулкчилик шаклидан қатъи-назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**
**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Объектлар номи:**

**1. Фарғона вилояти Риштон туманидаги 21-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабини мукаммал реконструкция қилиш ишлари.**

***Бошланғич нархи:*** *1 935 153 197 сўм ҚҚС билан; 1 612 627 664 сўм ҚҚСсиз.*

**2. Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш ишлари ва 18х42 метр ўлчамли спортзал қурилиши.**

***Бошланғич нархи:*** *2 584 408 343 сўм ҚҚС билан; 2 153 673 619 сўм ҚҚСсиз.*

**3. Фарғона вилояти Фурқат туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш ишлари ва 18х42 метр ўлчамли спортзал қурилиши.**

*Бошланғич нархи: 3 044 795 091 сўм ҚҚС билан; 2 537 329 243 сўм ҚҚСсиз.*

*Муддати –* **01.09.2016 йил.**

Буюртмачи: **Фарғона вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси**

Манзил: **Фарғона шаҳри Темирйўл кўчаси 37, тел.(0 595) 401-52-01,401-52-05.**

Қурилиш-монтаж ишлари: **Ўзбекистон Республикаси болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

***Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90, 998-98 276-25-48***

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи – 100 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади),

*Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний 36-уй манзилда ўтказилади.*

**ТУЗАТИШ**

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг объекти бўйича "Ҳуррият" газетасининг 2016 йил 27 январь, 4-сонида берилган эълонига қуйидаги ўзгартиришлар киритилганлигини маълум қиламиз.

Объект номи: **ЛОТ 22-2 "Фарғона вилояти Сўх туманидаги 23-сочли мактабга 12х24 метр ўлчамли спортзал қурилиши".**

*Бошланғич нархи –* **752 709 763 сўм ҚҚС билан; 627 258 136 сўм ҚҚСсиз**

*Муддати –* **1.09.2016 йил.**

Reklama

**ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!**

**Федерация рукопашного боя правоохранительных органов Навоийской области.**
**ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ**

По объекту: **«Капитальный ремонт здания спортзала со вспомогательными помещениями с пристройкой дополнительных помещений на территории областной федерации профсоюзов в г.Навоий Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 268 252 535 сум, с НДС 321 903 042 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **2 месяца.**

Заказчик **Федерация рукопашного боя правоохранительных органов Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Меъморлар 33.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет собственных средств.**

(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)

К конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98.

Стоимость одного комплекта документов 150 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гвасалия – 2А,. Тел.: (0-436) 225-49-96, 225-47-98.

**Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.**

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул. Меъморлар 33 не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

**ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!**

**ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.**
**ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ**

По объекту: **"Строительство здания столовой на территории УСНБ Навоийской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 1 601 619 885 сум, с НДС 1 921 943 862 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **до 1 августа 2016 года.**

Заказчик **ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий 63.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств местного бюджета и спонсорских средств.**

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

К конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98. Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98.

**Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.**

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул. Х.Дустлиги 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

**Инсон манзаралари**

# ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА...

Ишхонадан эртароқ чиқиб, йўналишдаги такси — дамасга, ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа жойлашдим. Машина бир маромда елиб борарди. Йўловчилардан бири одамлар орасида меҳр-оқибат кўтарилиб бораётганидан нолиб қолди. Унинг назарида фирибгарлик авж олиб, тўғрилик, ҳалоллик анқонинг уруғига айланиб қолган эмиш.

— Беш қўл баробар эмас, оғайни, — деди ҳайдовчи норози оҳангда.

Орага бироз жимлик чўкди.



**1**

— Ўша пайтларда ижарага олинган Нексияда кира қилардим, — дея ҳикоясини бошлади ҳайдовчи йигит менга бир қараб қўйиб. — Ғира-шира оқшомда кетаётсам, йўл ёқасида биров қўл кўтарди. Машинани аста тўхтатдим. Ёнимга башанг кийинган ўктам йигит ўтирди ва борадиган манзилини айтди. Бироз юргач, йигит машинанинг икки олд ўриндиғи ўртасига ўрнатилган қутичага чап қўлини қўйиб:

— Манавини солиб қўйсам майлими ? — деб сўради қўлидаги нарсага ишора қилиб.

— Бемалол.

Йўловчи буклаб тахланган полиэтилен халтани ва қўл телефонини қутичага солиб, қопқоқни қайта ёпдида, машинани бозорча олдида тўхтатишимни илтимос қилди. Тўхтагач, шахд билан тушиб, бозорчага кириб кетди. Тез орада полиэтилен халтада нарсалар кўтариб чиқди. Қариндошларидан бири даволанаётганини, уни кўриб келиш учун зўрға вақт топганини айтиб, марказий шифохона ёнида тушиб қолди.

Яна бироз шаҳар бўйлаб йўловчи "овлагач", чарчаб, уйга қайтдим. Одатимга кўра қутичани очдим-у, ҳалиги йўловчи йигит нарсаларини унутиб қолдирганини кўрдим. Яп-янги қўл телефони, буклаб тахланган пакетда эса... беш минг доллар пул бор эди. Ҳайратдан қотиб қолдим. Рости, бунча пулни ушлаб кўрмаган эдим, ўша вақтларда. Бу ҳолни дадамга айтдим. У ҳам ҳайрон бўлди.

— Қанақа одам эди? — деб сўради кейин.

Ўйланиб қолдим. Тузукроқ разм ҳам солмаган эканман. Ахир, кун бўйи қанча одам чиқиб-тушади машинамга.

— Балки эртага сени излаб топар ёки ўша йўлда дуч келиб қолар. Нима қилгандаям, бировнинг пули бошқага буюрмайди.

**2**

Бир неча кун машинада пулни олиб шаҳар кездим, юзлаб йўловчиларга хизмат қилдим. Бироқ ўша йигитдан дарак бўлмади. Кейин машинада йўқотиб қўймай деб "омонат"ни уйдаги темир қутига солиб қўйиб, эгасини кутиб юрдим. Қизиғи, телефони ҳам янги, ҳатто сим карта ҳам солинмаган эди. Бир неча кун ўтгач, телефонга сим карта солиб ишлата бошладим. Ойлар ўтди, йил ўтди, бироқ машинамда қолдириб кетилган пулнинг эгаси бир кун чиқади, деган фикр миямда айланаверди. Ҳатто бир-икки марта у пулнинг бир қисмини ишлатиб қўйиб, кейин яна ўрнига тиклаб ҳам қўйдим. Ахир, бировнинг ҳақи.

Бу орада хорижга ишлагани кетадиган бўлиб қолдим. Анча илгари ҳужжат топшириб, суҳбатлар, синовлардан ўтиб келгандим. Навбатим келиб, чақирув хабарини юборишибди. Бироқ йўл чиптасига пулим йўқ эди. Яна ўша пулдан "қарз"га олиб турдим ва хотинимга тайинладим:

— У ёқда ишга жойлашиб пул юбора бошлашим билан, биринчи навбатда шу пулни ўрнига қўясан.

**3**

Икки йилча чет элда ишлаб юриб ҳам ўша йигит, унинг "омонат"и ҳақида гоҳ-гоҳ ўйга толардим. Ниҳоят, уйга қайтдим, топган-тутганларимни жамлаб "Дамас" олиш ҳаракатига тушдим. Тўғриси, пулим яна жиндай етмай қолди. Ҳалиги пулдан минг долларини қўшиб туришга тўғри келди.

Машинани олдим. Бутун оиламиз билан хурсанд бўлдик. Бироқ кўнглимнинг бир четида ҳалиги олиб турган пулни ўрнига тезроқ қўя олармикинман, деган ўй тинчлик бермайди. Ягона йўл лицензия олиб, янги машинамда кира қилиш эди. Тажрибали ҳайдовчиман, ишим анча уна бошлади.

Бир куни ёнимдаги ўриндиқда ўтирган, сочларига оқ оралаган, одмигина кийинган йўловчи секингина менга, олд ойнага маҳкамланган мосламага илиб қўйилган телефонимга разм солиб қараётганини сездим.

— Менинг ҳам худди сизникига ўхшаган телефоним бор эди. Бир куни таксида қолдириб кетибман... Яна беш минг доллар пулимниям...

Мен шартта йўловчига ўгирилдим. Разм солиб қарадим, бироқ аввал учратганманми, йўқми, ҳеч эслолмадим.

— Эҳтимол, шу телефон сизникидир?

— Йўғ-э, ака, нотўғри тушунманг. Ўзингизга буюрсин. Менга шунчаки, жуда ўхшаш туюлди-да. Ўзиям янги... умуман ишлатилмаган эди.

— Ўша таксини ёки унинг ҳайдовчисини эслаб қолмаганмидингиз?

— Йўқ, қанча ҳаракат қилмай, на машина рақами, на ҳайдовчининг кўринишини эслай олдим. Эсимда қолгани — оқ Нексия эди. Бир неча кун шаҳар кездим, оқ рангли Нексиялар кўчани тўлдириб ўтиб турибди. Бироқ уларнинг қай бирига машинангизда беш минг долларим қолиб кетибди, деб айтиб бўлади. Устингдан кулиши, ҳатто ақлдан озибди шекилли, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Шуларни ўйлаб дардимни ичимга ютдим.

— Таксига қаерда чиқиб, қаергача борган эдингиз?

У манзилларни айтгач, тўрт йиллардан буён елкамда юк бўлиб келаётган "омонат"нинг эгаси топилгандай бўлди.

— Йўлда бозорчага кириб бемор қариндошингизни кўргани ул-бул харид қилиб ҳам чиққан эмасмидингиз?

Йигит ярқ этиб менга қаради. Юзимга узоқ тикилди, сезиб турибман: ҳеч нарсани эслолмади. Секин сўради:

**4**

— Ака, нима, фолбинмисиз?..

— Йўқ, таксичиман. Манави телефон чиндан ҳам сизники. Беш минг долларингизни ҳам омонат деб сақлаб келяпман. Фақат... мана шу машинани олишда минг долларингизни ишлатиб қўювдим. Тўрт минги уйимда турибди. Ҳозир десангиз ҳам бориб олиб бераман.

Йигитнинг кўзларига ёш келди.

— Кўнглимнинг бир четида пешона тери билан топган ҳалол пулим бир куни топилади, деган умид милтиллаб турарди. Ўша кун келдимикин-а, ака?

— Шунақа шекилли, — мен ҳам жилмайиб, тасдиқ ишорасини қилдим.

Биргалашиб уйимизга бордик. Бор пулни ва телефонини йигитнинг қўлига топширдим, қолган мингини бир ҳафтада тиклаб беришимни айтдим.

Янги олган телефонини ишлатиб юрганим учун қайта-қайта узр сўрадим.

— Йўқ, ака, сизга катта раҳмат. Бошқа одам бўлса, буларни умуман қайтармаслиги ҳам мумкин эди-ку. Ўша минг доллар сизга суюнчи бўла қолсин. Минг марта розиман.

Мен унга омонатининг қолган қисмини ҳам албатта беришимни айтиб, йигитни шаҳар марказигача олиб чиқиб қўйдим...

Ҳайдовчи йигитнинг ҳикоясини тинглаб дилим равшанлашди. "Ана, кўрдингизми, дунёда имонли, виждонли инсонлар ҳам кўп, ука. Меҳр-оқибат ҳали йўқолмаган", деган киши бўлиб боя — "одамлар орасида меҳр-оқибат кўтарилиб бораётганидан" ҳасрат қилган йўловчига қарадим. У худди дилимдагини уққандай: "Ҳа-а, албатта, яхшилар ҳам бор..." деб қўйди жилмайиб.

Беихтиёр Ўзбекистонимиз ҳақида, юртдошларимиз тўғрисида ўйлаб қолдим. Яратганнинг ўзи сизу биздан мурувватини, қут-баракатини аямаётганининг, ҳар хил офату бало-қазолардан асраётганининг, юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораётганлигининг асосий омилларидан бири ҳам орамизда оддий, содда, фидойи, бировнинг ҳаққидан сақланадиган, оиласи дастурхонига пешона тери билан топилган ҳалол ризқу насибасинигина қўядиган пок инсонлар оз эмаслигидан бўлса, не ажаб, деган фикрлар хаёлимдан ўтди.

**Ҳабиб СИДДИҚ**
*Андижон*

**Огоҳлик**

Одам савдоси дунёдаги ҳеч бир мамлакатни четлаб ўтмаётган, борган сари кенг томир ёзаётган муаммолардандир. Бу иллат кишиларни қонуний ёки ихтиёрий ишга ёллаш кўринишида ниқобланганлари учун аксарият ҳолларда уни аниқлаш қийин. Ушбу жиноят оқибатида инсон шахси сотилади, сотиб олинади. Унинг оқибати эса афсусланарли кечади.

## Одам савдоси ёшлар нигоҳида

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида дадил қадамлар қўйилди. Бу борада қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлаш ва ижобий натижаларга эришиш йўлида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг кучлари бирлаштирилди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро Комиссияси фаолияти йўлга қўйилиб, узлуксиз ишловчи "Ишонч телефони" ташкил этилди. "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика Реабилитация маркази" жабрланганларга доимий равишда ёрдам бериб келмоқда.

Мазкур муаммонинг оқибатларини оммага етказиш, жамоатчилик эътиборини унга қаратиш муҳим вазифалардан саналади. Айниқса, ёш авлодни бу иллатнинг аянчли оқибатларидан огоҳ этиш лозим. Шу мақсадда яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси томонидан "Одам савдоси ва ноқонуний миграция" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Республика маънавият тарғибот маркази, Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Тошкент шаҳар "Istiqbolli avlod" ёшлар ахборот-маърифат марказлари милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари, маҳалла фаоллари иштирокида ўтган тадбирда ноқонуний меҳнат миграцияси, одам савдосининг олдини олиш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш ва унинг жирканч оқибатларини бартараф этиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда, — дейди сўзга чиққан ИИВ ходими подполковник Улуғбек Тўймабоев. — Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни, Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарори қабул қилинган. Уларда одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари, бу иллатдан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам курсатиш тамойиллари белгилаб берилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиши, мустақил иш қидириши, ишга жойлашиш ҳуқуқига эга экани, фуқароларнинг мамлакат ташқарисидаги меҳнат фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга қарамасдан, бугунги кунда айрим фуқаролар қонун йўли билан эмас, балки ноқонуний меҳнат миграцияси асосида хорижий давлатларга чиқиб кетмоқдалар. Шу боис давлат идоралари томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш, чет элга норасмий равишда ишлаш учун кетган фуқароларни яшаш манзилларига қайтариш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Анжуманда мазкур жараёнда ички ишлар идоралари, хусусан, жойлардаги милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ноқонуний меҳнат миграцияси, одам савдосининг олдини олиш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти юзасидан иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**

**Билмаганни билган яхши**

***— Кимлар васий ёки ҳомий этиб белгиланиши мумкин эмас?***
**Андижон туманидан И.Ҳайдаров**

— Васий ёки ҳомий тайинлашда шахснинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, мажбуриятларни бажариш қобилияти, васий, ҳомий ва васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс ўртасидаги муносабатлар, васий ёки ҳомий оиласининг васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга муносабати, шунингдек, 10 ёшга тўлган ҳомийликка олинувчининг истаги инобатга олиниши лозим.

Қуйидаги шахслар васий ва ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмас:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;
- собиқ фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олиш уларнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинганлар билан шафқатсиз муносабатда бўлганлиги, сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандлиги оқибатида бекор қилинган бўлса;
- ўз зиммаларига юкланган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёки ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганлиги учун васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;
- қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар.

**Саволга Андижон туман ФҲДЁ бўлими мудираси Мухтасархон ТЎРАЕВА жавоб берди.**

# СЕЛФИ касалликми ёки манманлик?

**Қусур**

Олдинда кетаётган машина ҳайдовчиси рулни худди маст одамдек бошқара бошлаганида юрагимга ғулғула тушди. Хавфни сезиб тезликни пасайтирдим. Секинлик билан йўлнинг четига чиқа бошлаган эдимки, бояги автоулов тезлик билан йўл четидаги тўсиққа урилди. Орқадан келаётган машина ҳайдовчиси унга урилиб кетмаслик учун рулни кескин буриб, ёнидан ўтаётган бошқа машинани туртиб юборди. Зумда содир бўлган фалокат кўпчиликни шоshiриб қўйди. Учта пачоқланган автоулов ёнида бир зумда тумонат одам йиғилди. Кимдир ЙҲХБга қўнғироқ қила бошлади. Ёши каттароқ икки одам автоулов ичидагиларни тортиб чиқаришга шошилишди.

Таассуфки, бахтсизлик содир бўлган жойга йиғилган ёшлар қўл телефонларига ҳалокат фонида ўзларини суратга тушира бошладилар. Уларга яна уч-тўртта йигит ва қизлар қўшилди. Бу нима, ахлоқсизликми ёки тарбиясизлик? Ёки воқеа содир бўлган жойни ўз кўзи билан кўрганлиги учун исботми? Бугунги кунда дунёни яшин тезлигида қамраб олган селфизм ёки селфоманияни руҳшунослар гиёҳвандлик сингари инсон онгини ва руҳиятини парчалайдиган касаллик сирасига киритишмоқда. Фан-техника ривожи, хусусан, уяли алоқа телефонлари техник имкониятларининг кучайиши, яъни уларга ойна сифатида ўзини кўриш ва суратга олиш мумкин бўлган функциянинг киритилиши селфоманиянинг (*selfie* сўзи "self" дан олинган бўлиб ўзини-ўзи, деган маънони англатади) келиб чиқишига сабаб бўлди. Ушбу термин дунё халқларининг тилларига 2000 йилнинг бошларида кириб келди.

Селфи XXI асрда пайдо бўлди, деб ўйлаганлар янглишади. Тарих манбаларида қайд этилишича, сақланиб қолган илк автофотопортрет Роберт Корнелиусга тегишли бўлиб, 1839 йили олинган. Ўша пайтлари фотосуратчилик эндигина ривожланаётган бўлиб, Корнелиус айнан шу йўл билан фотоаппарат қувватини синаб кўрган. Яна бир автофотопортрет Николай II нинг қизи Анастасия Николаевнага тегишли бўлиб, 1914 йили 13 ёшида у ойна орқали ўзини Kodak Brownie фотоаппарати орқали суратга туширган. Фотоавтопортретлар 1900 йилда машҳур Kodak фирмаси ўз фотоаппаратларини ишлаб чиқарганидан сўнг пайдо бўлди. Илк маротаба ***selfie*** сўзи 2002 йилда Австралиянинг *ABC Online* интернет-форумида қўлланилган. 2000 йилнинг бошларида селфилар, асосан, *MySpace*га қўйилган бўлиб, уни "MySpace pic" деб аташарди. 2006 йилдан бошлаб *Facebook, Instagram, Одноклассники*, *Vkontakte*лар аудиториясининг кенгайиши селфиларнинг айнан ижтимоий тармоқларга кўчишига сабаб бўлди. 2010 йилда уяли алоқа телефонларига янги иловаларнинг ўрнатилиши селфоманияни келтириб чиқарди.

### ЁЛҒИЗЛИКДАН КАСАЛЛИККАЧА

Руҳиятшуносларнинг фикрича, селфомания руҳий касалликнинг бошланғич босқичидир.

— Аксарият ҳолатларда бошқалар томонидан инсонни тушунмаслик, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш, яқин инсонлар ва танишлар ўртасида ўзининг борлиги ҳақида эслатиб туриш селфи қилишнинг асосий сабаблардан биридир, — дейди руҳшунос З.Шаропова. — Инсон ижтимоий шахс сифатида доимо бошқалардан ажралиб туришга интилади. Буни турли йўллар билан амалга ошириш мумкин. Уяли телефонлар, турли хил айпод ва айфонларнинг пайдо бўлиши янги имкониятни вужудга келтирди. Кунига одам ўзини 5 маротабадан кўпроқ суратга тушириб, бошқаларга кўрсатиши, хусусан, ижтимоий тармоқларга жойлаштириши селфизм касаллигининг бошланаётганидан ва инсон руҳиятида салбий ўзгаришлар содир бўлаётганидан дарак беради. Бунинг давоси борми? Албатта, бор. Яъни камроқ суратга тушиш учун ўз-ўзини назорат қилишни кучайтириш, ҳеч бўлмаса дўстлар ва яқинлар билан суратга тушиш ва улар билан кўпроқ мулоқот қилиш зарур.



2012 йили "Time" журнали "selfie" сўзи бутун дунёда энг кўп ишлатиладиган сўзлар сирасига кирганлигини қайд этди. Турли мамлакатларда олиб борилган сўровларга кўра, 2015 йилда 75 фоиз селфи-суратлар 8 ёшдан 32 ёшгача бўлган инсонлар томонидан туширилиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган.

2013 йилда "selfie" Оксфорд онлайн-луғатига киритилди. Оскар киномукофотининг 86-тақдимотида тадбир бошловчиси Эллен Дедженерес кўпгина Ҳолливуд юлдузлари билан селфи суратга тушиб, Твиттердаги саҳифасига жойлаштирди. Ушбу суратларни бир кунда 3,2 миллион фойдаланувчи кўрган.

### СЕЛФИ ХАВФЛИМИ?

Бугунги кунда селфи-суратга тушишни ёқтирганлар бошқаларни янада ҳайратга солиш мақсадида ҳаёт учун хавфли бўлган жойларда суратга тушишмоқда. Аксарият ҳолатларда бундай "мардлик" ўлим билан тугамоқда. "http://mashable.com" сайтининг хабар беришича, 2015 йил сентябрда селфи суратга тушаётганида 12 нафар одам ҳалок бўлган. Сўнгги пайтларда интернетда айнан селфи оқибатида ҳаётдан кўз юмган инсонларнинг суратлари тез-тез чоп этилмоқда. Масалан, 2015 йил майда руминиялик 18 ёшли Анна Урсу ва унинг дўсти Ясса шаҳридаги темир йўл вокзалида турган поезд томига чиқиб, бошида турган ҳолда суратга тушмоқчи бўлади. Оёқлари беҳосдан 27 минг вольт қувватга эга электр симига тегиб, қиз касалхонада ҳаётдан кўз юмади. 2014 йилда эса Польша тиббиёт билим юртининг 23 ёшли талабаси Испаниянинг машҳур Пуэнте-де-Триана кўпригида суратга тушиш учун, тўсиқдан ўтиб, унинг четига туради. Суратга тушираётганида оёғи тойиб, бетонга бориб урилади. 26 ёшли Колетт Морено эса автомобиль рулини бошқариб бораётиб, ёнидаги дугонаси билан суратга тушмоқчи бўлишади. Йўлга эмас, смартфонга қараган ҳайдовчи рўпарасидан келаётган автомобилни кўрмай қолади ва автоҳалокат оқибатида ҳалок бўлади. 2014 йилнинг август ойида польшалик ёш оила дам олгани Португалияга боради. Эр-хотин денгиз бўйидаги Кабо да Рока жарлигида селфи-суратга тушишаётганида, тойиб пастга қулашади. Ота-онасининг даҳшатли ҳалокатига уларнинг 5 ва 6 ёшли икки нафар фарзанди пастда туриб, гувоҳ бўлишади.

### МАНМАНЛИКДАН АХЛОҚСИЗЛИККАЧА

Инсон бугун қаерда бўлди, нима иш қилди, шуларни акс эттириш мақсадида ўзини эсдалик учун суратга олиши, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини фотога муҳрлашга интилиши тушунарлидир. Аммо дафн маросимлари, автоҳалокатлар пайтида, ёнғин ёки бошқа табиий ёхуд техноген ҳодиса рўй берганда жабрланганларга кўмакка шошилиш, йиқилиб қолган қарияга ёрдам бериш ўрнига уларнинг ёнида ёки фонида суратга тушиш ахлоқсизлик ва маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас. Бугун оммавий ахборот воситаларида, таълим муассасаларида ахлоқ мавзусида олиб борилаётган тадбирлар, очиқ дарслар, ахборот соатларида селфининг моҳияти ва у билан боғлиқ ахлоқий қоидалар хусусида сўз юритиш мақсадга мувофиқ. Бу фарзандларимизнинг тарбияли ва маънавиятли бўлиб вояга етишишлари учун хизмат қиладиган омиллардан биридир.

**Наргис ҚОСИМОВА,**
**журналист**

# Сурхонда янграган наволар



**Бу шундай туйғуки...**

Осмонларни тўлдириб учаётган самолётимиз кўнглимизни чексиз орзулар уммонига ғарқ этди. Оппоқ майин пар булутлар, пурвиқор тоғлар, она Ватаннинг беқиёс сурати ҳайратимизга ҳайрат қўшарди. Биз Сурхондарёга бораяпмиз. Борлиқни баландлардан томоша қилишнинг гашти ўзгача, ўзимизни гўё афсонавий эртаклар мамлакатида сайр этиб юрган каби ҳис этардик.

Алпомишлар қўним топган юрт бизга пешвоз чиқади. Сафардошларимнинг кўнглидан нималар кечаётганини билмадим-у, аммо мен туғилиб ўсган беназир тупроғим ҳавосидан ҳаволаниб, ўзимни қўярга жой тополмасдим. Сурхонга наво излаб борганимиз боис табиатдан таралаётган сокин саболар сеҳрига маҳлиё бўлдик. Ҳамроҳларимиз "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Валихон Умаров, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Маҳмуд Намозов, таниқли бастакор Мусахон Нурматов. Мақсадимиз — Сурхон заминида янграётган куй-қўшиқларни саралаш эди. Буюк Термизийларнинг қадами теккан муқаддас тупроқ кундан-кун яшнаб бораётганига ҳавасимиз келди. Кўнгли дашту далалари каби кенг сурхонликларнинг меҳмондўстлигини бастакор Мусахон Нурматов гўзал сўзлар билан басталашга тушади. "Қишлоғим" номли қўшиғини соғинчу армонларига қориштириб юракдан куйлаган хушовоз хонандамиз Маҳмуд Намозовнинг хаёлини Боботоғ этагида жойлашган қишлоғи олган. Валихон Умаров ҳаёт саҳнасида ўзини кўз-кўз қилаётган ранг-баранг иморатларга унсиз кўз тикиб бораяпти. Менинг ўй-хаёлим пурвиқор Пиряхтоғ чўққиларини забт этишга қаратилган. Эй, кўнглимни осмону фалакларга кўтарган она замин, ҳар гал сенинг қайноқ бағрингга ошиқиб келганимда дунёни қайтадан кашф этгандек бўламан. Сенинг ўзингга хос беназир куй-оҳангларинг борлигидан фахрланаман. Шоберди бахшининг дўмбирасидан таралган минг йиллик куй оҳангидан Алпомишнинг Бойчибор оти қирдан эниб келаётгандек туюлади. Кўнгил бўстонига сайр этишнинг гашти ўзгача бўларкан. Бизларни сурхонча куй-қўшиқлар сеҳри бутунлай ўзига маҳлиё этганди. Айниқса, Бойсун фольклор дастасининг чиқишларини томоша қилиб завқландик. Болалик чоғим, бобом билан тоғларга чиқиб борган кезларим ёдимга тушди. Бобом билан юқорилаб борардик. У киши бир зайл кўнгилни чилпарчин қилувчи қўшиқларни хиргойи қиларди. Мен эса тўкилиб кетаётган умрим лаҳзаларини унсиз қидираётган йўловчи каби унга эргашиб, ҳаёт мактабининг янги сабоғини олишга ошиқардим.

*Тоғларда девона кездим,*
*Йўлларда монанди ҳур.*
*Кўчаларни тўлдириб чиқ,*
*Тўлдирай қўйнингга гул.*

Бобомнинг орзу-армонлари билан қоришган наволарида унинг тенгсиз ўтмиши ранг олган. Хаёлимда ҳали-замон кимдир йўлимизга пешвоз чиқади-ю, бобом унинг қучоғини гулларга тўлдирадигандек эди. Қўшиқчи дарёларнинг навоси кўнглимизни осмону фалакка кўтаради. Бобомнинг янграётган бетакрор оҳангидан маст бўламан.

— Қўшиқчи бўлсангиз бўларкан бобо, — дейман энтикиб. У киши кулади. — Болам, хонанда бўлиш учун кишида катта маҳорат бўлиши керак. Киши куйлаётганда ўттиз икки томирида сўзлар сел бўлиб оқсагина у қўшиққа айланади. Менинг нолишим шунчаки ўзимни овитиб вақтихушлик қилишдир. Отам раҳматликнинг булбулдай ноласи бор эди. У киши қўшиқ айтса, давра аҳли қалқиб турарди...

Бобомнинг сўзларида жон бор. Болаликда радио олдида қунишибгина қўшиқ тинглаб ўтирган Гулмурод бобом ёдимга тушади. У киши Комилжон Отаниёзовнинг бебаҳо қўшиқларини тинглаганида ёш болалар каби кўз ёш тўкарди. — Нега йиғлаяпсиз бобо? — десам, — йўқ, йиғлаётганим йўқ. Мен шунчаки кўнглимнинг ғуборларини тўкаяпман. – дерди. Бобомдан эшитганим қўшиқ кўнгилнинг ғуборларини тўкиб, кишига куч бағишлашини билганман. Чиндан ҳам шундайми?

У кун Сурхондарёда ўтаётган бир тўйда қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бутун бошли давра рақсга тушаяпти. Томошабин йўқ. Раққоса ўғил-қизлар ернинг чангини фалакка чиқариб ўйнашяпти. Ҳайратдан ёқамни ушладим. Наҳот, Алпомишлар насли аллақандай яллачиларнинг ялласига маст бўлиб қолган бўлса? Бобомиз: — Болам, тўйга борсангизлар, ўйинчиларга қўшилмай, курашчиларнинг сафида бўлинглар. Йигит киши юрт орини оқлаш учун туғилади, — дерди. Бугун бобомнинг сўзлари қанчалар ҳақлигига чин дилдан иймон келтираман. Халқимизда "Бировнинг ноғорасига ўйнама" деган нақл бор. Биз оламни ўз доирамизда кўришимиз керак.

Хонандаларнинг кўпчилиги китоб ўқимаслигини уларнинг беўхшов алжирашларидан англаймиз. Сафардошим, хушовоз хонанда Маҳмуд Намозовнинг олами бутунлай бошқача экан. У йўлхалтасидан "Алпомиш" ҳамда Махтумқули китобларини чиқариб мутолаа қилаётганини кўриб қувондим. Хонанда сўзининг маъноси китобхон эканлигини яхши билганимиз боис, китобхон ҳофиз ҳам бор экан-ку, дея кўнгилдан ўтказаман. Маҳмуд ака юрагининг туб-тубидаги ҳаяжонларини яширолмай қолади. Ўша кеча уйқунинг баҳридан кечиб ҳофиз билан Сурхон наволари ҳақида сўзлашамиз. Суҳбат борган сари авж олади. Муҳаммад Юсуфнинг:

*Танкни танкка кўпайтирса*
*кул бўлади,*
*Адабиёт ўйлайвериб*
*сил бўлади, —*

сатрлари ёдимга тушади. Сўзнинг қудратига қойил қоламан. Адабиётнинг бепоён бўстонида сайр этишнинг гашти ўзгача бўлади. Биз бетакрор сўзлар оламига сайр этамиз.

Уч кун давом этган сафар чоғида сурхондарёлик бир қанча янги овоз соҳибларини кашф этгандек бўлдик. Буюк Термизийлар қадами теккан у муқаддас тупроқнинг ҳар қаричи бизга тинимсиз ҳикмат сўзлаётгандек эди. Ёруғ кунларимиз қувончи кўнгилнинг нозик торларини чертишга тушади. Гарчи сафаримиз қариган бўлса-да, юракда уфуриб турган баҳор чечаклари кишини ижод қилишга ундайди. Сафарномамиз хотимаси баҳорий янги байтлардан ранг олади.

*Боботоғнинг адоғида алла айтар онамга Ой,*
*Соғинчларим қучоғида гуллаяпти хонамда Ой.*

*Майсаларнинг тиловатин, юрагимнинг ҳаловатин,*
*Байтларимнинг саодатин куйлаяпти боламга Ой.*

*Оталарнинг дуосида, булбулларнинг навосида,*
*Кўзларимнинг зиёсида, сўзлаяпти қаламга Ой.*

*Ялпизларни хумор этиб, анҳорларни бедор этиб,*
*Бахтимизни баҳор этиб, нозланади даламга Ой.*

*Ахтамқули, жаннатмакон, тупроғингнинг ишқида ён,*
*Тинчлигимиз кўрган замон, боғланади оламга Ой.*

**АХТАМҚУЛИ**

# Асл ишқ тараннуми

**Спектаклдан кейинги ўйлар**

Шундай ижод тури борки, унда кўрганларимизни англаймиз, англаганларимизни кўрамиз. Сўз қадим антик даврлардан буён ўз қудрати ва мўъжизасини йўқотмай келаётган театр санъати ҳақида бормоқда. Театр бу қалбдаги туйғуларнинг ҳаракатларга кўчган инъикоси. Ҳар нарсада тадрижийлик бўлгани каби миллий спектаклларимиз савиясида ҳам изчил ўсиш кўзга ташланмоқда. Аввалига олди-қочди, маиший мавзуларни ўз репертуаридан бир мунча соқит қилган ижодкорлар, эндиликда анчайин катта ишларга қўл уришмоқда. "Иймон", "Ўтган кунлар", "Кузги мактублар" ана шундай изланишлар самарасидир. Яқинда эса Муқимий номли мусиқали драма театрида мустақилликка эришганимиздан буён ўтган давр мобайнида илк маротаба Алишер Навоийнинг шоҳ асарларидан бири "Лайли ва Мажнун" достони саҳналаштирилиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.



Лайли ва Мажнун достони биринчи маротаба 1950 йил, кейинги гал 1980-йилларда саҳна юзини кўрган. Уларда кўпроқ икки ёшни айирган "феодал ота", "феодал замон"ни кўрсатишга урғу берилган. Яъни асар Шўролар мафкурасига мослаб талқин қилинган. Шу боис асарни қайта ишлаган драматург Шуҳрат Ризаев эътиборини достоннинг асл моҳиятини очиб беришга қаратган. Ҳолатларга муносабат билдириш, воқеаларнинг изчиллигини таъминлаш учун Навоий образи киритилган. Спектаклда "севги асли нима?" деган азалий сўроққа жавоб беришга ҳаракат қилинган. Кўпчиликнинг фикрича, "Навоий асарларига, сценарий ёзиш анчагина осон ва ҳатто шарт ҳам эмас". Чунки "ҳазрат воқеаларни шундай жонлантириб тасвирлайдиларки, қаҳрамонларни қай вазиятда, қандай кийимда эканигача назардан четда қолдирмайдиларки, достонларни ўқиш мобайнида улар кўз ўнгингизда худди ҳаётдагидек гавдаланади". Бироқ барибир бу достонни саҳналаштириш бир қанча машаққатли. Чунки "Лайли ва Мажнун" халқимиз ичида анча машҳур асар. Уни кўпчилик ўқиб чиққан. Маълумки, бадиий асар ўқиган киши уни ўз тафаккурида янги бир дунё кашф этиб ўқийди. Унинг ўз Лайлиси, ўз Мажнуни бўлади. У асар воқеаларини ўзича талқин қилади, Мажнуннинг саҳрода кезишини, Лайлининг фиғонини ўз кўнглича тасаввур этади. Шундай бир вазиятда спектакль ижодкорлари томошабинга янги, айтиш мумкин бўлса, ҳақиқий Лайли ва Мажнунни таништиришлари керак бўлади. Бу эса ҳам режиссёр, ҳам сценарист, ҳам актёрлардан катта маҳорат талаб қилади. Ана шуларни тафаккур қиларканмиз, бир қатор саволлар туғилади. Янги "Лайли ва Мажнун" мана шу талабларга жавоб бера оладими? У қай даражада мукаммал? Ёки асарни ўқиган ўқувчида спектакль қай маънода таъсир қилади-ю, ўқимаган кишида қандай туйғуларни пайдо қилади? Ижодкорлар Лайли ва Мажнуннинг муҳаббатини қанчалик ҳис қилиб ўйнашаркин? Бу бизнинг спектакль олди ўйларимиз эди. Ана иккинчи қўнғироқ ҳам чалинди. Учинчиси чалинмасдан жойимизни эгаллай қолайлик...

Ана Лайли ва Қайс. Уларни бир кўришдаёқ танидим. Ҳар иккисининг кўзларида гўзал бир ифода бор. Илм зиёсими, ё ҳали замон кўнгилларига ин қургувчи илоҳий мужданинг нурларимикин бу? Мана, Лайлини ўйга банди этдилар. Фироқ...

Ҳажр оташидан қалбидаги ранг юзига кўчган Лайлига сўз қотдим аста:

— Лайли, Ишқ ўзи нима?

— ...

— Айт, нега жимсан, қандай чидаяпсан бу фироққа. Ахир, фиғонингдан бутун дунё ларзага келиб, замин қоқ иккига бўлиниб кетай деяпти-ку, сен қандай чидаяпсан?

— ...

— Лайли, айт, Мажнун ким ўзи? Уни нега севасан? Ҳозир ҳам борми Мажнунлар? Бор бўлса, айт, улар мени, бугуннинг Лайлиларини севиб қолармиди? Менга ўхшаш тунлар гоҳ китоб, гоҳ кўз ёшлари билан ухлагувчи, дарсларга кечикиб, устозлардан дакки эшитиб юргувчи бир қизни севармиди? Ё концертма-концерт, дўконма-дўкон юргувчи, телефонида суратга тушишдан ҳузур оладиган, бироқ сендек ой юзли, чарос кўзли қизларни севармиди? Айт, дугонажон?



— Мен...

Ёнгинамда жаранг сочган беўхшов мусиқа товуши Лайлининг овозини босиб кетди. Чўчиб ўзимга келиб, ён томонимга қарадим-у, ҳалигина ҳамкасбим билан жой талашиб, охири, ёши сабаб олд қаторга ўтиришга муваффақ бўлган онахон бемалол ким биландир гап сотаётганини кўрдим. Лайлининг ўрнида аскарлар жанг саҳнасини ижро этишарди...

...Спектакль охирига қадар кимдир Лайлига қўшилиб йиғлади. Кимдир Лайлига айланиб, Мажнунни севиб қолди. Бошқа бир томошабин Қайсини саҳрода қолдириб, ўзи ортга қайтаётган ота(Турғун Бекназаров)га қараб, қачонлардир ўз дардини деб туз тотмай қўйганида падарининг не аҳволга тушганини ҳис этиб, ичдан титраган бўлса, ажаб эмас. Мажнуннинг атрофида бемалол ўт чимдиб юрган оҳу сайд (Навфал – Умид Шодмонов)ни кўриши билан қоча бошлаши томошабинни мушоҳадага чорлайди. Оҳуни отмоққа шайланаётган Навфалга Мажнуннинг "Ўз нафсингизга нечун қарши бора олмайсиз. Қорнингиз тўйган бўлса, нега ортиқчасига югурасиз?" мазмунидаги гапларидан ўз қилмишларига бироз четдан назар ташлаганлар ҳам бўлгандир балки. Балки шунинг учун спектакль ниҳоясида давомий қарсаклар чалинди ижодкорлар шаънига.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги буюртмасига биноан саҳналаштирилган янги "Лайли ва Мажнун" ижодкорлари асарни қайта жонлантиришга эришишган. Айниқса, Азизхон Латипов (Алишер Навоий), Дилором Абдуолимова (Лайли) ва Равшан Иброҳимов (Мажнун), Турғун Бекназаров (Қайснинг отаси – Махди)лар ижроларида бу нарса яққол кўзга ташланади.

Кўпчилигимиз бир-бирига кўнгил қўйган ёшларни Лайли ва Мажнун деб аташларига кўникиб қолганмиз. Аммо кейинги пайтда аслида уларнинг севгиси қандай бўлганини ҳис қилмаслик ортидан, муборак исмлар маъносини англаб-англамай, мазах оҳангида, ҳатто лақаб сифатида ҳам қўлланилаётгани ачинарли. Янги спектакль намойиши балки бу ҳолатларга чек қўйса, ажаб эмас. Боиси, унда томошабин Лайлининг фақатгина гўзал бир малика бўлмаганини, чин аёллик сифатларини ўзида мужассам этганини англайди. Мажнун дея аталиш учун фақатгина севишнинг ўзи камлик қилишини ҳис этади. Мажнуннинг атрофдагилар билан бўлган суҳбатларини тинглаб, унинг нега бунчалар юксак қадрланиши сабабини англагандек бўлади. Унинг ёлғиз қолган дамларида дунё, ишқ ва инсонлар ҳақидаги фалсафий ва ҳаққоний фикрларини тинглай туриб, томошабин ҳам у баробар юксакликка кўтарила боради. Икки ошиқнинг фиғони фақат ишқ ҳажрининг нолалари эмас, балки бутун башарият фожиалари учун чекилаётган афғонми, деган ўйга боради. Шу маънода бугун бирбирини Лайли, Мажнун атаб юрган ёшларимиз спектаклга тушишларини жуда истардик. Зеро, "Лайли ва Мажнун" томошабинга чин туйғуларни ҳис эта олиш имконини беради.

**Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА**

**Мутолаа**

Яқинда "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг "Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!" номли янги шеърлар тўплами нашр этилди.

# ВАТАННИ СЕВИШ – ЭНГ ЮКСАК ТУЙҒУ




Ҳар бир ижодкорнинг ўз ижодий йўли бўлади. Китобнинг номланишининг ўзи шу юрт фарзандлари ҳар бири Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги учун қайсидир маънода масъул бўлиши, элим деб, юртим деб ёниб яшаши кераклигига даъват этади.

*Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,*
*Сени гулдек эркалаган чаман учун.*
*Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,*
*Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!*

Шоир шу жаннатмонанд, тинч ва фаровон юртда яшаш бахтини англашга, шу бахтни бизга раво кўрган Оллоҳга шукрона айтишга, озодлик ва эркинлик неъмати осонлик билан қўлга киритилмаганини ҳис этишга даъват қилмоқда. Ушбу шеър таъсирчанлиги билан мухлислар қалбига кириб борди. Шуниси эътиборга сазоворки, шоир ижодида Ватан учун фидо бўлмоққа тайёр туриш, ватанпарварлик туйғулари илгари сурилган.

*Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,*
*Бир бор назар солгин босган изингга сен,*
*Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,*
*Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!*

Зотан, юрт фарзандлари "Нима қилдик Ватан учун?" — деган саволни ўз олдига қўйсагина Ватанимизни янада обод қиламиз, унинг равнақига ҳисса қўшамиз. Шоир эътиқоди оташин туйғулари билан шеърларида намоён этади.

*Мен сени ҳалиям яхши кўраман,*
*Товушинг эшитгим келади жуда.*
*Телефон гардишин айлантираман,*
*Қўнғироқ чорлайди, аммо беҳуда.*
*Қўҳи Қофга қадар кетардим, Лайлим,*
*Кўзингни бир бора кўрмоқлик учун.*
*На чора?..*
*Бу чархга қурбим келмайди,*
*Афсус, бу гардишга етмайди кучим.*

Ушбу мисраларда ошиқ йигитнинг кўнгил кечинмалари қаламга олинган. Шеърни ўқиганингизда ҳижрон ва соғинч, кузги япроқлардек хазонга айланаётган интизорликни ҳис этасиз. Кўнглидан афсус надоматлар кечса-да, ошиқ кўнглидаги эҳтиросини, соғинчини айта олмайди.

Шоирнинг шеърлари билан танишиб чиқарканман, айниқса, Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб ёзилган шеърнинг самимийлиги менга шукуҳ бағишлади.

*Ким бор тағин она халққа қайишган,*
*Қайғусидан чўккан, бахтидан жўшган.*
*Куйчи шоир эди кўклардан тушган,*
*Муҳаммад аканинг шеърлари қолди.*

Бу мисраларда Иқбол Мирзонинг устозига ҳурмати, шеъриятга эътиқоди намоён бўлган. Ҳақиқатдан ҳам, яхши инсондан яхши ном қолади ва яхши шоирлардан гўзал шеърлар қолади. Яхши ном, олижаноблик, меҳр-шафқат абадийдир, яхши одамни халқ доимо ҳурмат билан ёд этиб туради.

Муаллиф ўз шеърларида Ватан, табиат, оила, севги, тинчлик, Ватан ҳимоячилари, буюк аждодларга эҳтиром, инсоннинг турли руҳий ҳолатлари, вақт мавзуларини маҳорат билан қаламга олади.

Инсон кўпдан бери кўрмаган ўз қадрдон гўшаси, яқинларини кўрганда кўзларида беихтиёр ёш сезади. Дунёда ота-онадан азиз инсон йўқ. Ҳар қандай фарзанд ёш болами, ёши улуғми уларга интилиб яшайди.

*Ота десам, отамдайин бағри кенгимсан,*
*Она десам, қуёшларга меҳри тенгимсан,*

деб, шоир отасининг бағри кенглигини кенг макон юртга, Ватанга ўхшатяпти.

Она меҳрини қуёшга менгзаяпти. Шоир она юрт соғинчи, меҳри-муҳаббатини ота-онага қиёслайди.

*Бешик бўйнин ачомлаган кўзмунчоғимсан,*
*Асал ҳиди келиб турган саҳий боғимсан.*
*Хазинамсан ўн саккиз минг оламдан ортиқ,*
*Қиблам ўзинг, каъбам ўзинг — саждагоҳимсан.*
*Қайда бўлсам, сенда кўнглим, соғиниб юрдим,*
*Ардоқлайман, авайлайман, асрайман, юртим.*

Бу мисраларни ўқиган ҳар бир шеърхонда беихтиёр киндик қони тўкилган гўшага нисбатан ўзгача меҳр уйғонса, ажаб эмас. Ўзининг шундай замин, шундай эл фарзанди эканлигидан фахрланади. Шоир қайда бўлса ҳам Ватанни соғинади, ҳар бир сўзида ардоқлайман, авайлайман ва асрайман, юртим, дея, ғурур, ифтихор ва шукроналик туйғусини изҳор этади.

Сўзимизни мухтасар қилиб айтсак, Иқбол Мирзонинг "Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!" китобидан жой олган шеърлари келажак авлодни Ватанга, ота-онасига, халқига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини бир мухлис сифатида алоҳида таъкидлагим келади.

**Мунира РАМАЗОНОВА**

# Кўкламдан бир мужда келди...

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, шоиранинг ўз эътиқодига собитлиги, оила ва келажак авлод учун ғамхўрлиги, шеърият аталмиш сеҳрли оламга ошуфталиги бугунги авлод учун ибратдир. Бугун ҳам унинг ана шу фазилатлари олдида бош эгиб, таъзим қиламиз.

Зулфиянинг маънавий дунёси, вазмин, мунис қиёфаси Шарқ хотин-қизларининг тимсоли бўлиб, дунё халқларини ҳайратга солиб келган. Унинг жўшқин, ўктам овози жаҳон минбарларида ўзбек аёлининг жасорати, латофати бўлиб янграган, ўзбек оналарининг улуғворлигидан сўйлаган. Шоира XX асрнинг буюк аёллари сафидан муносиб ўрин эгаллаган улуғ шахс, таниқли жамоат арбобидир. Ўзбекистон халқ шоири, халқаро "Жавоҳарлаъл Неру", "Нилуфар" мукофотлари совриндори Зулфия Исроилова ўзбек ва Шарқ адабиёти, фалсафаси ривожига улкан ҳисса қўшган.



Мамлакатимизда ҳар йили кўклам келиши билан шоира таваллуд топган кунни тантанали нишонлаш анъанага айланган. Ўқув муассасалари, маънавият, маданият масканлари – кенг жамоатчилик ана шу кунни муносиб кутиб олади. "Баҳор келди сени сўроқлаб" сатри дилимиздан тилимизга кўчади. Уни сўроқлаб келган кўкламни алқаймиз. Қалбимизда у ардоқлаган меҳр-муҳаббат, яратиш завқи янгитдан куртак очгандек бўлади. У куйлаган ҳаёт бизни янги-янги довонларни забт этишга, келажакка юксак орзу-умид ила боқишга ундайди.

Ўтган йили Президентимиз қарори билан шоира таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Унинг шеърлари, асарлари нашр қилинди, "Хотирам синиқлари" достони асосида спектакль саҳналаштирилиб, республика бўйлаб театр ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Мазкур саҳна асарида Зулфия сиймосида бош ролни ижро этган, "Энг яхши тарихий образ ижрочиси" номинацияси бўйича "Эътироф – 2015" миллий мукофотини қўлга киритган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Йўлдошева шоира сиймоси билан умрбод ҳамроҳ бўлиб қолажагини таъкидлайди:

– Устозимиз, атоқли режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев ва "Дийдор" студияси билан ҳамкорликда Зулфиянинг ушбу достони илк бор саҳналаштирилди. Шоира онамизнинг образини яратиш асносида унинг шеърлари, асарларини қайта ўрганиб чиқдим, ушбу жараён ҳамон мени тўлқинлантиради. Ижодий жамоамиз билан барча вилоят театр саҳналарида туриб, шунга яна бир бор амин бўлдикки, халқимиз шоирани бугун ҳам аввалгидек ардоқлайди. Республикамизнинг ҳамма ҳудудларида унинг издошлари бор. Уларни кўриб беихтиёр шоиранинг:

***Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон,***
***Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...***

сатрлари ёдга тушади. Бугун Ўзбекистонимиз бўйлаб ана шу боғ гуллабяшнаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ўтган йили Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида театр фестивали бўлиб ўтди. Унда ана шу спектакль билан қатнашдик. Кино ва театр танқидчилари бу асарни улкан воқеа, деб эътироф этишди, шоиранинг ижоди нафақат ўзбек халқи, балки бошқа халқларни ҳам ҳамон тўлқинлантиришига гувоҳ бўлдик...

Халқимизнинг ардоқли шоираси номини абадийлаштириш, унинг нафис шеърлари, ўлмас асарларига ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йилдан эътиборан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Шоира меросидан баҳра ва ўрнак олиб улғайган Зулфия издошлари сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. "Йилнинг энг яхши бастакори" номинацияси бўйича "Эътироф – 2015" миллий мукофоти соҳибаси, бастакор Ойдин Абдуллаева Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган илк қалдирғочлардан.

– Кенг жамоатчилик эътибори кишига катта масъулият юклайди, – дейди у. – Ана шу масъулият ҳамда республикамиз театрлари режиссёрларининг ижодимга бўлган ишончи мени ўз устимда кўпроқ ишлашга ундади. Ўзбек давлат миллий академик драма театри ва Муқимий номидаги мусиқали драма театри спектаклларига, "Ўзбектелефильм" киноасарларига мусиқа басталадим. Педагогик фаолиятимни ҳам давом эттириб, иккита ўқув қўлланма яратдим. Ҳозир республика мусиқа мактаблари, коллеж ва академик лицейларда ушбу қўлланмалардан фойдаланиляпти. Симфоник ва ўзбек халқ чолғулари учун ёзган асарларим бугун нафақат юртимиздаги мусиқий анжуманларда, балки чет давлатларда ҳам ижро этиляпти. Буларнинг бари Зулфия номидаги мукофотнинг менга очган йўли, деб ўйлайман. Назаримда, интилувчан хотин-қизларни шоиранинг руҳи қўллаб туради. Унинг ҳаёт йўли ҳаммамиз учун гўзал намунадир...

Куни кеча шоирадан мужда бўлиб, чор-атрофни гулга буркаб, кўклам кириб келди. Баҳордан бир мужда бўлиб, Зулфия таваллуд топган кун нишонланди. Пойтахтимиздаги шоира ҳайкали ўрнатилган майдонда яна шеърият, адабиёт ихлосмандлари йиғилди. Маънавий-маърифий тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, депутатлар, шоиранинг шогирдлари, мухлислари, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари тўпланишди. Унинг ибратли ҳаёт йўли, умрбоқий асарлари яна ёдга олинди. Нафис шеърлари мусиқа оҳанги жўрлигида қалбларга ором бағишлади.

Зулфия бир пайтлар "ҳали ер юзида бугунгидан ҳам яхшироқ инсонлар – руҳи бой одамлар яшайди. Агар ўша кишилар ҳам менинг бирор сатримни эсга олсалар, ўша сатр улар учун керакли бўлса, қалбининг бўш бир нуқтасини тўлдирса... Қаламимга шу умид куч беради", деб ёзган эди. Кечагина ўтган тадбир ана шу сўзларнинг тасдиғи эди. Шоира айтганидек, унинг гўзал сатрлари ҳали узоқ йиллар шеърият, адабиёт мухлислари қалб мулкига айланиб, тафаккури, руҳини бойитади, туйғуларини тарбиялайди, шубҳасиз. Зулфия ардоқлаган шеърият боғи хазон бўлмайди, аксинча, Ватанга, халққа садоқат, нурли истиқболга умид бўлиб тоза қалблар тўрида яшайверади...

**Холида ФАЙЗИЕВА**

*Бир ҳовуч дур*

## Илм талаб қилиш ҳақида

**Ким олимнинг олдига келиб, у билан бирга ўтирса, унинг илмини эгаллашга қодир бўлмаса ҳам, унга етти яхшилик бордир.**

Абу Лайс Самарқандий

**Яхши кўрган китобни ўқиш қайғу заҳарига қарши дoридир.**

Абу Бакр Хоразмий

**Илм кўр қалб кўзини очувчи, зулматда нур бағишловчи ва заиф баданларга куч-қувватдир. Илм билан банда яхши инсонлар даражасига кўтарилади, олий мартабаларга эришади.**

Абу Ҳомид Ғаззолий

**Дунёда тараққий этган халқ илм воситаси ила тараққий этади. Асир ва забун бўлганлар-да илмсизликдан.**

Маҳмудхўжа Беҳбудий

**Ким фанда илгарилаб, ахлоқда оқсаса, у олдинга эмас, кўпроқ орқага кетади.**

Аристотель

**Билимлар кўплигига эмас, фикрлар мўллигига интилиш керак.**

Демокрит

**Билишини биладиганнинг ортидан эргашинг, билишини билмайдиганни огоҳлантиринг, билмаслигини биладиганга ўргатинг, билмаслигини билмайдигандан қочинг.**

Конфуций

Reklama

AGROBANK

Вафо ва садоқат, гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган дилбар аёлларимизни "8 март - Халқаро хотин қизлар куни" байрами билан табриклаймиз ва қуйидаги банк хизматини таклиф этамиз:

"Агробанк" ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган "Мобил савдо" тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.

CLICK
mobilsavdo
sodda va tez to'lov
AGROBANK

Мобил савдо белгиси мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"Асака" банк жамоаси

ASAKA BANK

*Юртимизнинг барча аёлларини, онахонларни ва опа-сингилларни 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан чин дилдан табриклайди! Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва ҳамиша баҳор гулларидек гўзал бўлишингизни тилаймиз!*
*Мамлакатимиз осмони доимо беғубор бўлсин,*
*Сизларнинг қалбларингиз ҳамиша қувончларга тўлсин!*

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

"СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА"

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

**Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.**

**Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |



"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com *Хизматлар лицензияланган*

*Газетанинг навбатдаги сони 2016 йил 6 март, якшанба куни чиқади.*

HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 5100 Буюртма — S-5286 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*
**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91
**Самарқанд**: (0-366) 233-62-12
**Топшириш вақти** — 20⁰⁰ **Топширилди** — 20⁰⁰

ISSN 2010-7528

*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор* Фахриддин Раҳимов *томонидан саҳифаланди.*
**Навбатчи:** Элмурод Нишонов
**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.**